

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎТ: 633.11:633.853.52:631.587:631.521

ХУСАНОВ САРДОРБЕК ОЛИМЖОНОВИЧ

**Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқларида кузги буғдой ва такрорий
экиладиган соянинг янги навларини суғориш тартибини ўрганиш**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Қишлоқ хўжалиги фанлари
Доктори, профессор А.С.Шамсиев

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИЛАДИГАН СОЯНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ	14
§.1.1.Кузги буғдойнинг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича республикамиз ва хориждаги олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи.....	14
§.1.2.Соянинг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича республикамиз ва хориждаги олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи.....	24
II БОБ. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБЛАРИ	35
§.2.1.Марказий минтақа: Андижон вилоятининг табиий иқлими, тупроғи, мелиоратив ва гидрогеологик шароитларининг таърифи.....	35
§.2.2.Тадқиқот ўтказиш услуги ва тизими.....	38
§.2.3.Тажрибада ўрганилган кузги буғдой ва такрорий экиладиган соя навларини қисқача тавсифи.....	45
§.2.4.Тажриба даласида олиб борилган агротехник тадбирлар.....	49
III БОБ. ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ	52
§.3.1.Тупроқнинг морфологик таърифи ва механик таркиби.....	52
§.3.2.Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соя етиштиришда тупроқнинг агрокимёвий хусусиятлари.....	54
§.3.3.Суғориш тартибларини тупроқнинг ҳажм массасига таъсири.....	55
§.3.4.Тажриба даласи тупроғининг ғоваклиги.....	58
§.3.5.Тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги.....	59
§.3.6.Тажриба далаларининг чекланган дала нам сифими	63
IV БОБ. КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ПАРВАРИШЛАНГАН СОЯ НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ТАРТИБИ ВА ДАЛАНИНГ СУВ МУВОЗАНАТИ	65
§.4.1.Кузги буғдой навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги.....	65
§.4.2.Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги.....	68
§.4.3.Кузги буғдой ва такрорий экиладиган соя навларини суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрлари.....	70
§4.4.Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соя тажриба далаларининг сув мувозанати.....	77
V-БОБ. КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИ	87
§.5.1.Кузги буғдой навларининг униб чиқиши, кўчат қалинлиги.....	87
§.5.2.Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши ва ривожланиши.....	89

§.5.3.Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги кузги буғдой навларининг ҳосил структурасини ўзгариши.....	91
§.5.4.Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги кузги буғдой навларининг дон ва сомон ҳосилдорлиги.....	94
§.5.5.Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда кузги буғдой навлари донининг сифат кўрсаткичларининг ўзгариши.	98
VI-БОБ. ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ПАРВАРИШЛАНГАН СОЯ НАВЛАРИНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИ.	100
§.6.1.Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг униб чиқиши, кўчат қалинлиги.	100
§.6.2.Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши ва ривожланиши.	101
§.6.3.Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш тартибларини ҳосил элементларига таъсири.	108
§.6.4.Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш тартибларининг дон ҳосилдорлигига таъсири.....	109
§.6.5.Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларини суғориш тартибларининг мой миқдорига таъсири.	110
VII-БОБ. КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИН СОЯ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ.	112
§.7.1.Турли суғориш тартибларида парваришланган кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг иқтисодий самарадорлиги. ..	112
§.7.3.Турли суғориш тартибларида парваришланган кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг ишлаб чиқариш шароитида синови.	113
ХУЛОСАЛАР.....	117
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	121
ИЛОВАЛАР	133

**Диссертация ишида фойдаланилган шартли белгилар ва
қисқартирилган сўзлар:**

мг-миллиграмм

г-грамм

мг/кг-килограммда миллиграмм миқдорида

кг-килограмм

ц- центнер

т-тонна

ц/га-гектарида центнер ҳисобида

т/га-гектарида тонна ҳисобида

га-гектар

мм-миллиметр

м²-метр квадрат

м³-метр куб

м-метр

г/см³-сантиметр кубда грамм миқдорида

млн-миллион

см-сантиметр

см²-сантиметр квадрат

см³-сантиметр куб

%-фоиз

°С-цельсий даражаси бўйича ҳаво ҳарорати.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунё бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлашда суғориш сувларининг ўрни беқиёсдир. Мавжуд чучук сув захираларининг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Шунингдек, умумий экин ер майдонининг 20 фоизи суғорма деҳқончилик улушига тўғри келади ва етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи суғориладиган ерлардан олинади. Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё бўйича дон ишлаб чиқариш кўрсаткичи мисли кўрилмаган даражага ёки 2019 йилга нисбатан 2,6 фоизга ошиши кутилмоқда. Шунингдек, мойли экинлардан олинadиган ялпи ҳосил эса дунё аҳолиси эҳтиёжи ҳажмида етиштирилиши прогноз қилинмоқда¹». Буғдой ва соядан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда суғориш тартибларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёда буғдой ва соя экинлари етиштирувчи аксарият мамлакатларда дон ҳосилдорлиги ва сифати ушбу экинларни етиштиришда суғориш муддатлари ва меъёрларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Кузги буғдой ва соя навларини суғориш меъёрлари ва муддатларини тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўсимликнинг физиологик талабига қараб тўғри белгилаш олинadиган дон ҳосили миқдори ва сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, кузги буғдой ва соя навларидан кафолатланган дон ҳосили етиштиришга йўналтирилган илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда турли тупроқ-иқлим шароитларга мос кузги буғдой ва такрорий экиладиган соя навларини тўғри танлаш ҳамда ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори кузги буғдой ва такрорий экишга мос бўлган соя навларини етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ва қўллаш натижасида юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси

¹<https://www.worldbank.org/en/topic/water-in-agriculture>

қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва рурсурларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни кўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган ². Шундан келиб чиқиб, Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва соянинг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бу борада дала тажрибалари олиб бориш ва илмий хулосалар бериш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017-2021 йилларда республикада соя экишни ташкил этиш ва дуккакли экинлар етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “2020 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари навларини жойлаштириш ва бошоқли дон етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 831-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги буғдойнинг янги яратилган навларини турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш борасида республикада А.Аманов, Р.Сиддиқов, Р.Тиллаев, Н.Халилов, Х.Атабаева, М.Хамидов, Б.Холиқов, О.Аманов, М.Авлияқулов, С.Абдурахмонов,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

Т.Жалолов Б.Азизов, А.Дехқонов, И.Эгамов, К.Жўраев каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар амалга оширилган.

Шунингдек, соянинг янги навлари агротехнологияларини ишлаб чиқиш, янада такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича республикада Қ.Мирзажонов, Д.Ёрматова, М.Маннопова, Б.Холиқов, Р.Тиллаев, А.Исашов, Ф.Намозов, У.Норқулов, М.Тожиев, Н.Ўразматов, А.Иминовлар томонидан илмий ишлар олиб борилган.

Хорижда В.И.Городничев, И.А.Костоварова, В.Г.Насонов, А.Абиров, Sh.Zia, Du.Wenyoung, W.Spreer, K.Spohrer, He.Xionkui, J.Muller, Li J, Inanaga, H.G.Jones, B.B.Silva, J.Chen, R.A.Fischer каби олимлар томонидан илмий ишлар олиб борилган.

Лекин, Андижон вилоятининг ўтлоқи, шўрланмаган, сизот сувлари яқин жойлашган тупроқларида кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навларини етиштириш ва уларнинг суғориш тартиблари бўйича етарли даражада илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқотлар мавзу режасининг №МВ-А-ҚХ-2018-204 «Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экилган дуккакли дон ҳамда мойли (соя, кунгабоқар) экинларни тежамкор суғориш тартиби ва самарали парваришlash технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий муддатда парваришланган соянинг янги навларининг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кузги буғдой ва соя навларининг турли суғориш тартибларида парваришланганда тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой ва соя навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрларини ишлаб чиқиш;

кузги буғдой ва соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва 1 центнер дон ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув сарфига таъсирини аниқлаш;

суғориш тартибларининг кузги буғдой ва соя навлари дон сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой ва соя навларини турли суғориш тартибларида етиштиришнинг иқтисодий самародорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари, кузги буғдойнинг Тая, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий хоссалари, суғориш тартиблари, сув сарфи, сув истеъмоли кузги буғдой ва такрорий муддатда экилган соянинг ўсиш-ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ўсимликнинг биометрик ўлчовлари, ўсимлик намуналари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методика полевого опыта», тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий таҳлиллари «Методы агрохимических анализов почвы и растений Средней Азии» услубномалари асосида ўтказилган. Кузги буғдой ва соя ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услубидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятининг сизот сувлари сатҳи 1,5-2 метрда жойлашган ўтлоқи тупроқларида кузги буғдойнинг Таня, Калым, Вершина, Андижон-4 навлари ва такрорий муддатда экилган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул суғориш муддатлари, сони ва меъёрлари аниқланган;

кузги буғдойнинг Таня, Калым, Вершина, Андижон-4 навлари сизот сувлари сатҳи 1,5-2 метрда жойлашган ўтлоқи тупроқларда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75 % тартибда 1-2-1 тизимда, такрорий муддатда экилган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % тартибда 1-2-1 тизимда суғориш ўтказиш мақбул эканлиги аниқланган;

турли суғориш тартибларида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва такрорий муддатда экилган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларини сув истеъмоли ҳамда даланинг сув мувозанати аниқланган;

турли суғориш тартибларида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навларининг ўсув даври давомида ва охирида поя баландлиги, маҳсулдор поялар сони, бошоқ узунлиги, бир бошоқдаги донлар сони, 1000 дон дон оғирлиги, дон ва сомон ҳосили, дони таркибидаги клейковина ва оқсил миқдори аниқланган;

турли суғориш тартибларида соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларининг ўсув даври давомида ва охирида поя баландлиги, ҳосил шохлар сони, барг сони, 1 та ўсимликдаги дуккак сони, 1 та дукакдаги уруғ сони, 1 та ўсимликдаги уруғ вазни, 1000 дон уруғ вазни, дон ҳосили ва мой миқдори аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% тартибда суғорилганда юқори ҳосил олинган жумладан, Таня навидан ўртача 66,0 ц/га, Вершина навидан 69,5 ц/га, Калым

навидан 69,2 ц/га, Андижон-4 навидан 67,2 ц/га дон ҳосили олишга эришилди;

Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% тартибда суғорилганда юқори ҳосили олинган жумладан, Тўмарис навидан ўртача 26,8 ц/га ва Ойжамол навидан 27,0 ц/га дон ҳосили олишга имконият яратилди.

Кузги буғдой ва соя навларининг сув истеъмоли аниқланиб, бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган энг кам сув сарфи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Вершина” навида 58,4 м³/ц, “Калым” навида 58,5 м³/ц, “Андижон-4” навида 59,6 м³/ц ни, такрорий экин сифатида парваришланган соянинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% белгиланган вариантларда “Тўмарис” навида 81,3 м³/ц, “Ойжамол” навида 86,4 м³/ц ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг Республика ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, ҳар йили тайёрланган ҳисоботлар Услубий ва Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навларини агротехнологиялари бўйича тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг маҳаллий ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинганлиги, шунингдек, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари суғориш тартибларини тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий хоссаларининг ўзгаришлари динамикаси, кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навлари ўсиш-ривожланиши, дон сифат кўрсаткичлари, ҳосилдорлигига таъсири ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари илмий томондан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари суғориш тартибларини илмий томондан ишлаб чиқиши ва ушбу такомиллаштирилган агротехнология кенг жорий этилиши натижасида фермер хўжаликлари майдонларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий муддатда парваришланган соянинг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

кузги буғдой ва такрорий муддатларда сояни етиштириш учун “Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқларида такрорий экиладиган соянинг янги навларини мақбул суғориш тартиблари бўйича” тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Андижон вилояти шароитида агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари

ва такрорий муддатда соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларини етиштириш бўйича қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кузги буғдойнинг Тая, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари тупрок намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75% ҳамда такрорий муддатда экилган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навлари 70-75-65% тартибда суғориш технологиялари Андижон вилояти Андижон ва Избоскан туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликлари экин майдонларида тупрокда мақбул намлик тартиби яратилиб, бир марта кам суғориш ҳисобига 450-500 м³/га суғориш сувлари тежалган ҳамда 76,3 ц/га кузги буғдой ва 22,3 ц/га соя дони ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдой навларини ўсув даврида 1-2-1 тизимда ва мавсум давомида гектарига ўртача 2250-2380 м³ меъёрларда суғориш тартиблари Андижон туманидаги “Ахмадали”, “Сойгузар кўрки”, “Сокин булоқ” фермер хўжаликларида 228 гектар ва Избоскан туманидаги “Бойтўра ҳосил барака”, “Избоскан иқтидор ишонч”, “Пойтуғ порлоқ келажаги”, “Хурсанбек сабр келажаги”, “Асронов Элмурод умиди” фермер хўжаликларида 178 гектар жами 406 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18-июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида мазкур фермер хўжаликларида гектаридан 400 м³ сув тежалган, кузги буғдой дон ҳосили гектарига ўртача 74,4-76,3 центнерни ташкил этган;

такрорий муддатларда экилган соя навларини ўсув даврида 1-2-1 тизимда ва мавсум давомида гектарига ўртача 2150-2270 м³ меъёрларда суғориш тартиблари Андижон туманидаги “Улуғбек илғор даласи”, “Ниҳол”, “Оқ олтин орзуси замини”, “Хасанбой сохиби”, “Валихон кенг даласи” фермер хўжаликларида 33,6 гектар ва Избоскан туманидаги “Избоскан имкон замини”, “Чувама келажаги”, “Мирзасултон хожи” фермер хўжаликларида 26,9 гектар жами 60,5 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18-июндаги 02/020-1768-сон маълумотномаси).

Натижада ушбу фермер хўжаликларида гектаридан 500 м³/га сув тежалган, 22,3- 21,8 центнергача соя дони ҳосили олиш икониёти яратилган ва рентабеллик даражаси 98,4 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ҚХООИИЧМ ва ПСУЕАИТИнинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги ўтказилган жами 9 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 7-боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

I БОБ. КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИЛАДИГАН СОЯНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ

Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навларини суғориш тартиблари, суғориш тартибларининг кузги буғдой ва такрорий экиладиган сояни янги навларининг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги, ҳосил сифати ва тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизик хоссаларига таъсирини илмий жихатдан ўрганишда республикамизда ва чет элдаги олимларнинг илмий изланишлари, натижалари ва хулосалари республикамиз ва чет элдаги илмий адабиётларда чоп этилиб кенг омма эътиборига хавола этилган.

§.1.1. Кузги буғдойнинг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича республикамиз ва хориждаги олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи.

Р.Сиддиқов ва Н.Юсуповлар Дон ва дукакли экинлар илмий тадқиқот институтида олиб борилган узоқ йиллик тажриба натижаларига асосланиб, кузги буғдойнинг тупроқ намлиги дала нам сиғимиغا нисбатан 70-75 фоиздан кам бўлмаганда барча ўсиб-ривожланиш фазалари нормал ўтишини таъкидлашган. [68; б.10].

Экин майдони жихатидан дон экинлари бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Дунё бўйича 1 миллиард гектардан ортиқ ерга экин экилиб, деҳқончилик қилинади. Шу экин майдонларининг 70 фоизидан ортиқроқ қисмига дон экинлари экилади. О.Яқубжонов, С.Турсунов, З.Муқимов. [92; б. 93-97].

Р.Сиддиқовнинг илмий изланишларида таъкидлашига қараганда, кузги буғдойни суғоришни тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимиغا нисбатан 70-75 фоиз бўлганда амалга оширилса яхши натижа беради. [67; б. 7-8].

Н.Ўразматов, Н.Ўразматов ва Ф.Асатуллаев (2006 йил) лар томонидан 2003-2005 йилларда ЎзПИТИ Фарғона филиалининг ўтлоқи соз, механик таркиби оғир кумоқ тупроқлари шароитида, кузги буғдойнинг “Половчанка”

нави 4 хил суғориш тартиб (65-65-65, 70-70-70, 75-75-75, 75-80-80) ларида ўрганилган. Суғориш олдинги тупроқ намлиги 65-65-65 тартибдан 75-80-80 тартиб бориши билан ўсимлик бўйи (5-майда 1-вариант (65-65-65) 26,5см, ва 4 вариант (75-80-80) 38,1см), 1000 дона дон вази 1-вариантда (65-65-65) 41,2 гр ва 4 вариантда (75-80-80) 43,1 гр ва ҳосилдорлик 1-вариантда (65-65-65) 55,1 ц/га ва 4 вариантда (75-80-80) 69,5 ц/га ни ташкил этган. [76; б. 32-33].

Р.Сиддиқовнинг маълум қилишича, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитига мос ҳолда ғалла озиклантирилгандан сўнг, гектарига 500-600 м³ меъёрада суғоришни ташкил этиш лозим. [66; б. 8].

Ж.Б.Худойқулов 2002-2005 йилларда ТошДАУ илмий тажриба хўжалигининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Ҳосилдор”, “Турон” ва “Шавкат” каби янги, истиқболли навларининг дон сифатини ошириш мақсадида илмий изланишлар олиб борган. Олинган маълумотларга қараганда кузги буғдойнинг “Турон” нави 75-75-65 суғориш тартибида 69,1 ц/га ҳосил олиниб, дон шаффофлиги 59,7%, клейковина 27,8%, “Шавкат” навида 63,6 ц/га ҳосил олиниб, дон шаффофлиги 63,9%, клейковина 28,6% бўлган. [87; б. 262-264].

А.Шамсиев, Г.А.Безбородов, Ю.Эсенбековлар томонидан кузги буғдойда 1м² хисобига ҳосил бўлган дон эгат орқали суғорилган вариантларда ўртача 1,2-1,4 кг, томчилатиб суғорилган вариантларда эса ўртача 1,2-1,7 кг га тенг бўлганлиги қайд этилган. [89; б. 315-317].

Ш.Абдурахимов кузги буғдойнинг “Крошка” навини ЧДНС га нисбатан 4 хил (65-65-60, 70-70-60, 75-75-70, 80-80-70) суғориш тартибларида ва 2 хил ўғит (азот-150кг, фосфор-100кг, калий 75 кг ва азот-200кг, фосфор-140кг, калий 100 кг) меъёрларида изланишлар олиб борган. Унга кўра, ЧДНС 75-75-70%, ўғитлар азот-150кг, фосфор-100кг, калий 75 кг қилиб белгиланган вариантларда уч йилда ўртача 65,0 ц/га, ўғитлар меъёрини ортиши билан азот-200кг, фосфор-140кг, калий 100 кг 68,1 ц/га ҳосил олишга эришилган. [12; б. 388-390].

Б.Комилов, Н.Ибрагимов, Т.Ражабовлар томонидан кузги буғдойнинг “Улуғбек-600” навидан юқори ҳосил олиш (43,9-44,9 ц/га) учун амал даври давомида тупроқ намлик даражасини 70-80-70% сақлаган холда 1-3-1 тизим билан 5 марта суғориб, хар гектар майдонга 2930-3010 кубметр сув сарфлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. [41; б. 422-425].

Қишлоқ хўжалик экинлари учун, айниқса суғориладиган дехқончилик шароитида кузги буғдойни ҳосилдорлигига таъсир этувчи омиллардан бири тупроқ намлигидир. Тупроқда етарли даражада (мақбул) нам бўлганда ғалла хатто 45°С иссиқликка ҳам чидайдди. 50°С да эса 30 дақиқадан сўнг қурий бошлайди. Олимларнинг маълумот беришича, хар бир нав учун ўзига мос тупроқ иқлим шароити, алоҳида озикланиш меъёрлари, суғориш тартиблари бўлиши керак. Қ.М.Мирзажонов [52; б. 60-65].

О.Мирзаев, Б.Азизов ва З.Жумабоевларнинг Андижон қишлоқ хўжалик институтининг ўқув – илмий ишлаб чиқариш хўжалиги ўтлоқи – ботқоқ тупроқ, сизот сувлари ер сатҳидан 1,2 – 1,7 метр чуқурликда жойлашган шароитда олиб борган тадқиқотида келтиришича, кузги буғдойнинг қуйидаги навларига тупроқнинг намлиги дала нам сиғимига нисбатан 70 – 70 – 60% тарзда N₂₀₀ P₁₅₀ва K₁₂₀ кг/ га минерал ўғитлар берилиб, Сангзор – 8 – 78,0 ц/га, Сангзор – 4 – 67,7 ц/га, Кўпова – 88,0 ц/га, Қайроқи буғдой – 45,1 ц/га, Половчанка – 74,0 ц/га Ёнбош – 62,3 ц/га, Маржон – 64,7 ц/га, Крошка – 84,0 ц/га, Умманка – 86,3 ц/га, Диметра – 76,0 ц/га, Юна – 77,3 ц/га, Княжна – 82,6 ц/га дон ҳосили олинган. [50; б. 212].

А.Исашовнинг таъкидлашича, кузги буғдой агротехникасида суғориш тартибларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, қўлланилаётган маъдан ўғитларнинг самарадорлиги мақбул тупроқ намлигига боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, 2002 – 2003 йилларда кузги буғдойнинг “Чиллаки” навини озиклантириш меъёри ва суғориш тартибини белгилаш учун Андижон қишлоқ хўжалик институтининг ўқув – илмий ишлаб чиқариш хўжалиги шароитида тажрибалар олиб борилган. Унга кўра,, энг юқори ҳосилдорликка озиклантириш меъёри N₁₈₀ P₁₂₀ва K₆₀ кг/ га ҳамда суғориш

олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 70 % ҳисобида бўлганда эришилган. [39; б. 240-242].

Кузги буғдой ўсиш даврида суғориш режимига боғлиқ ҳолда гектарига 5153—6487 м³ сув сарфлайди. Шундан 40—55% суғоришлар ҳисобига тўғри келади. Қолган қисми ёғингарчиликлар ва тупроқдаги намлик ҳисобидан кондирилади. Бу кўрсаткичлар суғоришга, ўғитларга, экиш муддатига, навларга, тупроқ шароитга қараб ўзгаради. Р.О. Орипов, Н.Х. Халилов. [59; б. 104].

Республикамизнинг жанубий минтақасига кирадиган Қашқадарё вилояти шароитида П.Х.Бобомирзаев ўтказган тажриба натижалари кўрсатишича, нам тўплайдиган суғоришлар кузда уруғларнинг қийғос ва соз униб чиқиши ҳамда кузда яхши ривожланиши учун қўлай шароит яратади. Суғорилмаган пайкалларда (назорат) кузда атмосфера ёғингарчиликлари бўлмаганда уларнинг кўп қисми баҳорда тўплайдилар. Тупроқ намлигини ЧДНС нисбатан 70 ва 80 % ушланганда етарли миқдорда поялар ҳосил бўлиши кузатилди. Баҳор қирғоқчил келса, суғорилмаган пайкалларда намлик етишмаслиги туфайли тупланиш одатда тўхтайтиди, иккиламчи илдиз тизими кучсиз ривожланди, суғорилган ўсимликлар эса яхши туплайди ва баҳорда кўп поялар шакллантирди ва улар ўсув даври охиригача сақланиши мумкин аммо, улар кузги тупланишга нисбатан паст тупланишга эга бўлди. [23; б. 60].

З.Зиёдуллаев ва бошқалар кузги буғдойни суғориш режими ва озиклантириш меъёрини ўрганиш билан боғлиқ тажрибалари натижалари кўрсатадики, энг юқори ҳосил азотли ўғитни гектарига 240 кг меъёردа берилганда олинган. У «Санзар-8» навида дала нам сиғими 60 % бўлганда гектаридан 39,5 центнерни, дала нам сиғими 70 % бўлганда 51,5 центнерни, «Уманка» навида эса, тегишлича 51,0-61,2 центнерни ташкил этган. [33; б. 18].

Кузги буғдой найчалаш даврида маҳсулдор поялар, поялар ичида бошоқлар ва бошоқдаги донлар шаклланади. Найчалаш даврининг

давомийлиги 25 – 30 кунни ташкил этади. Ўсимлик бу даврда бутун вегетация давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 50 – 60 фоизини тўплайди. Найчалаш даврида намлик ва озуканинг етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Озиқлантирилган майдонлар тупроқ – иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир минтақа шароитидан келиб чиқиб 600 – 700 м³/га ҳисобида суғорилади. Суғоришни шарбат усулида ўтказиш яхши самара беради. Р.Сиддиқов, Н.Юсупов [71; б. 6].

С.О.Абдурахмонов, И.И.Абдуллаев, Й.Э.Хурматов тадқиқотларидан олинган натижаларга қараганда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70 – 80 – 70 % ва маъдан ўғитларга қўшимча равишда гектарига 3000 – 4500 кг бентонит лойқаси қўлланилганда кузги буғдойнинг “Москвич” навидан (58,6 ц/га) юқори дон ҳосили олишга эришганлар. [16; б. 38-40].

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитда кузги буғдойга гектарига 3000 – 4500 кг бентонит лойқасини қўллаш ҳар гектаридан 850 м³ гача сув тежаш имконини беради. С.О.Абдурахмонов, И.И.Абдуллаев [14; б. 41-44].

И.Н.Хошимов, А.Дехқоновлар ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Санзар-8”, “Улуғбек-600” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун маҳаллий ўғитларни қўллаш усули ўрганилган. Тажрибада олинган маълумотларга қараганда, тупроқ юзасига 30 т/га гўнг сепилганда ва буғдойнинг амал даврида гектарига 200 кг азот, 150 кг фосфор ва 100 кг калий қўлланилганда “Санзар-8” навидан 26,6 ц/га дон, 37,6 ц/га сомон, “Улуғбек-600” эса 31,3 ц/га дон, 38,3 ц/га сомон ҳосили олишга эришилган. [86; б. 371-374].

С.Баҳромов ЎзПИТИ Андижон филиали тажриба хўжалигининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Крошка” навини 3 хил экиш муддати (1-октябрда, 15-октябрда, 30-октябрда) ва 3 хил экиш меъёри (150 кг/га, 200 кг/га, 250 кг/га)да ўрганган. Тажрибадан олинган маълумотларга асосланиб, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари

шароитида кузги буғдойнинг “Крошка” навини 1-октябрда 200 кг/га, 15 октябрда 225 кг/га, 30 октябрда 250 кг/га экиш мақбул ҳисобланади. [22; б. 425-427].

Кузги юмшоқ буғдой навлари донлари таркибидаги оксил миқдори тўлиқ бошоқлаши фазасида ва эмбрионал ривожланиши бошланганда физик ҳолда 40 кг/га карбамид эритмаси барглари орқали қўлланилиши донлари таркибидаги оксил миқдорини оширишнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Р.Ҳасанова [82; б. 27].

М.Азимованинг маълумотларига кўра Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг “Краснодарская-99”, “Яксарт”, “Бунёдкор” ва “Ғозғон” навлари учун энг мақбул экиш муддати (20 октябрда) да экилганда 5 млн, эрта муддатда (1 октябрда) экилганда 4,0 млн, кеч муддатда (10 ноябрда) экилганда эса 6,0 млн. унувчан уруғ ҳисобида экилганда ва барча экиш муддатларида минерал ўғитларни $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг/га ҳисобида қўллаш юқори дон ҳосили етиштиришни таъминлаганлиги аниқланди. [18; б. 26].

Ш.Ҳазратқулова ва А.Шоймурадовларнинг Қашқадарё вилояти типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра,, қаттиқ буғдой навларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун ўсув даврида суғоришдан олдинги тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 65-70-65% да ушлаб туриш дон ҳосили ошишига ва сифатининг яхшиланишига таъсир қилган. [77; б. 29].

С.Санақулов ва Б.Ниязалиевлар типик бўз тупроқлар шароитида карбамид-аммиакли селитра (КАС) ўғити азотни кузги буғдойдаги самарадорлигини ошириш учун 80 кг/га меъёрда тўла туплаш даврида ва 120 кг/га меъёрда найчалаш даврида қўллашни тавсия этадилар. [64; б. 63-64].

Р.Сиддиқов ва Ф.Асроновларнинг фикрича, кузги бошоқли дон экинларини ривожланишини яхшилаш учун 12 кг карбамид ўғитини 300 литр сувга эритилиб суспензия сифатида қўллаш яхши натижа беради. [69; б. 6-7].

А.Шоймурадов ва Ш.Жўраевларнинг олиб борган тадқиқот натижаларига кўра,, ғалла майдонларида туплаш фазасида 3 марта ҳамда найчалаш фазасида 2 марта карбамидли минерал ўғитлар билан барг орқали суспензияли озиклантириш амалга оширилса, ғалладан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштирилади. [90; б. 23-24].

Б.Халиков ва Н.Ёдгоров илмий изланиш натижаларига караганда, кузги буғдойнинг “Зимница” ва “Ғозғон” навларини такрорий дуккакли дон экинлари мош ва соядан кейин эрта муддатда (01-05.10) экиб, парваришида маъдан ўғитларни $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрини қўллаб, суғоришни ЧДНС га нисбатан 75-80-70 тартибда, 1-2-1 тизимда суғориб, мавсумий $3950 \text{ м}^3/\text{га}$ сув сарфлаш натижасида дон ҳосили ортганлиги аниқланган. [78; б. 86-91].

Б.Халиков, Н.Ёдгоров ва У.Тилововларнинг тажриба натижаларига кўра, кузги буғдойнинг “Зимница” навида 38,6 г, “Яксарт” навида 38,6 г, “Ғозғон” навида 40,7 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% да суғорилганда “Зимница” навида 39,9 г, “Яксарт” навида 39,5 г, “Ғозғон” навида 42,0 г бўлиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% дан 75-80-70% ўзгариши кузги буғдойнинг 1000 дон дон вазнини барча навларда ортиши аниқланган. [79; б. 24-25].

Ж.С.Сатторов ва Ш.Холиқуловларнинг таъкидлашича, кузги буғдой 1 тонна дон ҳосилини шакллантириш учун 35 кг азот, 12 кг фосфор ва 26 кг калий ўзлаштириши керак, элементлар нисбати 1: 0,34: 0,72 бўлади. [65; б. 23-26].

Д.Жўраев, Ғ.Узоқов, Ш. Сармонов, Х.Нурбеков, Т.Мамановларнинг Қарши чўлининг оч тусли бўз, ўрта қумоқ, кам шўрланган, сизот сувлари 2-3 м чуқурликда жойлашган тупроқлари шароитида кузги буғдой навларини суғориш тартибларини ўрганишга асосланган тажриба натижаларини кўрсатишича, кузги буғдойни суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-65% белгиланган вариантларда мавсум давомида 4 марта суғорилганда дон ҳосили ортган. Шу вариантда суғориш меъёри 500-650,

мавсумий суғориш меъёри 3200-3400 м³/га ни ташкил қилган. [31; б. 201-202].

Ш.О. Абдурахимов, Л.А.Мирзаев, Д.У.Ғофуров, Ш.З.Хакимов (2010 йил) лар томонидан Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида кузги буғдойни суғориш тартибларини ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилган. Тажриба натижаларининг кўрсатишича, кузги буғдойни «Крошка» навидан суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-70 % ҳамда маъдан ўғитлар меъёри гектарига N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га (экишдан олдин P₁₄₀, K₁₀₀ кг/га, N тупланишда 75 ва найчалашда 125 кг/га) қўлланилганда юқори ва сифатли дон ҳосили олинган. [13; б. 208-210].

Хар бир ғалла экиладиган минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга оган ҳолда буғдой етиштириш учун 1 гектар ер майдонига сарфланадиган сувнинг мавсумий меъёри 3000-4500 м³, суғориш меъёри эса 700-800м³ ни ташкил этади. Ер ости сувларининг жойлашишига нисбатан кузги буғдойни мавсумий суғориш меъёри 2500-3000 м³/га ҳам бўлиши мумкин. [6; б. 54].

З.Зиядуллаев, Ғ.Узақов ва Ш.Исмаатовларнинг тажрибаларида аниқланишича, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида буғдойдан юқори ҳамда сифатли дон етиштириш учун маҳаллий навларда намликни ЧДНС га нисбатан 70-70-60 фоизда ушлаб, ўсув даврида суғориш меъёрларини 3700-3800 м³/га миқдорида, Россиядан келтирилган интенсив типга мансуб навларда намликни ЧДНС га нисбатан 75-75-65 фоизда ушлаб, ўсув даврида суғориш меъёрларини 4000-4050 м³/га миқдорида белгилаш мақсадга мувофиқ. [34; б. 19].

Б.Ҳолиқов, Х.Бозоров, Д.Ҳолиқоваларнинг таъкидлашича,, суғориш тартиблари тупроқ ҳажм массаси ва сув ўтказувчанлигининг ортишига сабаб бўлади. [88; б. 67-68].

С.О.Абдурахмонов ва И.И.Абдуллаевлар Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Москвич” навида бентонит

лойқаси қўлланилганда суғориш тартибларига бўлган талабини ўрганган. Тажриба натижаларини аниқланишича, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70% белгиланган, 4500 кг/га бентонит лойқаси ва маъдан ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ қўлланилган вариантларда 58,6 ц/га дон ҳосили олинган ва бентонит лойқасини қўллаш ҳисобига 850 м³ суғориш сувлари тежаб қолишга эришилган. [15; б. 41-44].

Б.Жўрақулов, Ш.Мирзаев, А.Назаровлар кузги буғдой етиштиришда сувни тежовчи технологиялар ва суғориш тартибларини ўрганиш учун Сурхондарё вилоятининг тақир-ўтлоқи тупроқлари шароитида илмий изланишлар олиб борганлар. Изланишлар эгатлаб суғоришда ҳисобга олинадиган суғориш олди тупроқ намлиги тупроқни 0-30 см; 0-50 см; 0-70 см; 0-100 см ҳисобий қатламларида олиб борилган. Икки йилда ўртача дон ҳосили 65,0 ц/га ни ташкил қилиб, 0-30 см ли ҳисобий қатламдаги намликка қараб суғорилганда олинган. [32; б. 76-79].

Р.Сиддиқов кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун минерал ўғитлар меъёрини $N_{210}P_{90}K_{60}$ белгилашни ва ҳайдов остига фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини солишни, азотли минерал ўғитларнинг меъёрини эса ўсув даврида табақалаштирган ҳолда қўллашни тавсия қилади. [66; б. 76-79].

А.Амановнинг изланишларида аниқланишича, фосфорли минерал ўғитларни экиш олдидан шудгор остига бериб, соф ҳолатда 90 кг/га қўлланилган вариантларда дон ҳосилдорлиги юқори бўлган. [16; б. 76-79].

А.Аманов янги яратилган кузги юмшоқ буғдой навларини минерал ўғитларга таъсирчанлигини ўрганган бўлиб, энг юқори дон ҳосили $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га қўлланилган вариантларда олинган. [20; б. 76-79].

А.Тўраев ва П.Тўраевларнинг тавсияларига кўра, кузги буғдойни экиш олдидан ҳайдов остига калийли ўғитларнинг 100%, фосфорли ўғитларни 70%, азотли ўғитларни 25% ини қўллаш керак. [71; б. 76-79].

Кузги буғдойни маҳаллий оқова сувлари билан суғориш катта аҳамиятга эга. Россиянинг Krasnodar ўлкасида ҳам шу тарзда суғорилади ва

юқори дон ҳосил олинади. [74;<https://www.activestudy.info/rezhim-orosheniya-ozimoy-pshenicy/>]

Н.Ёдгоровнинг таъкидлашича, экиш муддатлари кузги буғдой навларининг вегетация даврига кучли таъсир қилувчи омил эканлиги, такрорий экинлар турлари кузги буғдой навларининг вегетация даврига таъсир кўрсатмаслиги, бироқ ўғитлаш меъёрларининг ортиб бориши билан 2-3 кунга, суғориш тартибини тезлашуви билан 4-5 кунга чўзилиши аниқланди. [25; б. 76-79].

М.Рахимовнинг тадқиқотларида, бошоқли дон экинларида фосфорли ўғитлар миқдорини ($N_{200}P_{60}$ фонида) P_{30} кг- P_{90} кг/га ошириб бориш ғалла ривожига ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатганлиги ва фосфорли ўғитларни шудгорлашдан олдин берилиши тупроқ юзасига берилганга нисбатан ҳосилдорликни гектарига 5,0-18,7 центнерга оширганлиги кузатилган. [62; б. 233-236].

Маълумотларга кўра, Хитойнинг шимолий қисмларида 70% сув ресурслари кузги юмшоқ буғдойни суғориш учун сарфланади. Натижалар шуни кўрсатадики, экиш олди $750 \text{ м}^3/\text{га}$ меъёрда суғорилганда экишдан олдин ЧДНСга нисбатан намлик кўрсаткичи 90% бўлиши аниқланган. Шу сабабли Хитой давлати тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда кузги буғдойни суғоришда албатта экиш олди суғориш ишларини амалга ошириш тавсия этилган. [9; б. 8-23].

Хитой олимлари тадқиқотларига кўра, Хитойда кузги буғдой етиштиришдаги асосий муаммолардан бири сув ресурсларининг етишмовчилигидир. Бунда эвапотранспирация кўрсаткичлари юқори тупроқ намлиги кузатилган вариантларда аниқланган. Аммо эвапотранспирация юқори бўлишига қарамасдан тупроқда ортикча намнинг кўп бўлиши биомасса юқори тўпланишига, аксинча дон ҳосили эса кам бўлишига олиб келган. [8; б. 203-216].

Хитойнинг шимолий қисмларида ўтказилган тадқиқотларга кўра, кузги буғдойни сув танқислигида етиштиришда сувдан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш мақсадида суғорилмайдиган, 1 марта суғориш вариантлари назоратдаги 4-5 мартаба суғориш вариантлари билан таққослаб ўрганилган. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, барг сатҳи индекси ва юқори қисмда жойлашган барглар суғоришлар сони қисқартирилганда пасайиб кетганлиги аниқланган. 1 марталик суғоришлар фақатгина ёғингарчилик миқдори йилига 600мм бўладиган ҳудудлар учун тавсия этилган. [11; б. 91-98].

§.1.2.Соянинг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича республикамиз ва хориждаги олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи.

З.Жумабоев тажриба натижаларида таъкидланишича, такрорий экинлардан соя, мош, ловия, нўхат, ерёнғоқ ва кўк нўхат экилганда ўтлоқи тупроқлар унумдорлигига мақбул таъсир кўрсатган, агрофизик, агрохимёвий хусусиятлари яхшиланган, улардан сўнг экилган ғўза ҳосилдорлиги 2,1-3,9 ц/га ортган, пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари яхшиланиши аниқланган. [30; б. 6-7].

С.Исаев, А.Жўраев, З.Қодировларнинг Бухоро вилояти турли тупроқ шароитларида “Нафис”, “Ўзбек-6” навларини етиштиришда ресурстежамкор суғориш технологияларни қўллаш орқали соя ҳосилдорлигини ҳамда тупроқнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини илмий асослаш мақсадида тажрибалар олиб борилган. Тажриба натижаларига кўра,, сояни ўрта кумлоқ суғорилиб келинаётган ботқоқ тупроқли майдонларда ўсув даври давомида шоналаш-гуллаш босқичида тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда гектарига ўртача 800-950 м³/га меъёрида биринчи марта ҳамда гуллаш-дуккак тугиш даврида иккинчи марта ва дуккаклаш-дон тўлиш даврида учинчи марта гектарига 1000-1200 м³/га меъёрида, соя донининг пишиш босқичида намликни сақлаб туриш мақсадида ҳар15-18 кунда бир мартаба суғориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган шўрланишга мойил бўлган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида сояни парваришlashда тупроқ олди намлиги (ўрта кумлоқ тупроқларда) ЧДНС га

нисбатан 70-70-60 % бўлганда, суғориш тизими 1-2-1, униб-чиқиш, гуллаш фазасида суғориш меъёри 815 м³/га, гуллаш-дуккак тугиш фазасида суғориш меъёрлари 1000-1200 м³/га, мавсумий суғориш меъёри-3615 м³/га сув билан суғориш тавсия этилади. [36; б. 10-11].

С.Исаев, М. Тухтамишевларнинг 2018 йилда кузатилган тадқиқот натижаларига кўра, шўрланишга мойил бўлган ерларда соянинг “Нафис” ва “Ўзбек-6” навлари бир центнер соя етиштириш учун энг кўп миқдордаги сарфланган сув тадқиқотнинг 1-вариантида—148,6 м³/ц га тенг бўлган, 26,2 ц/га соя дон ҳосили олинган. Тажрибанинг иккинчи вариантида тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% белгиланган вариантларда, бир центнер соя дони етиштириш учун 78,4 м³/ц сув сарфланиб ва 28,5 ц/га дон ҳосили олинган. [37; б. 12-13].

Х.Рахимованинг хулосаларига кўра, Хоразм вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида соянинг ўртапишар навлари яхши ҳосил беради ва соя илдизларидаги туғунак бактериялар туфайли тупроқда микробиологик шароитлар яхшиланади. [63; б. 13-14].

А.Маматалиев такрорий экин сифатида соянинг “Ўзбекистон-2” навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% ва 70-80-60% бўлган вариантларда эгатлаб ва томчилаб суғориш усулларида Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги “Ал-Ҳаким ота” фермер хўжалигида тажрибалар олиб борган. Тажриба натижаларига кўра, Сурхон-Шеробод воҳасининг суғориладиган сахро-қум тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида парваришланган сояни эгатлаб ва томчилатиб суғоришда, суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60% бўлишлиги ва соя экинини мавсум давомида 9 марта, 3-3-3 тизимда суғориш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳар галги суғориш меъёри 500-600 м³/га бўлиши лозим. Такрорий экин сифатида парваришланган сояни юқорида келтирилган тупроқ намлигига мувофиқ томчилатиб суғориш усулида 10 марта, ҳар галги суғориш меъёри 200-250 м³/га бўлганда 22,2-25,7 ц/га дон ҳосили олишни таъминлаши аниқланган. [44; б. 22-23].

Ғ.Қараевнинг тажриба натижаларига кўра, Жиззах вилояти шароитида соя навлари кўшқатор усулида экилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-70 % тартибида суғорилиб, кўчат қалинлиги гектарига 350-370 минг туп бўлганда ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай шароит яратилган. [42; б. 24-25].

У. Норқулов, О.Сотторов, Ш.Ахмурзаевлар 2015-2018 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг “Орзу”, “Ўзбекистон-2”, “Олтинтож” ва “Селекта-201” навларининг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича дала тажрибалари ўтказишган. Тажрибада ўрганилган соя навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда бир туп ўсимликдаги тўлиқ вужудга келган дуккаклар сонини таҳлил қилинган, натижаларга кўра, ўрганилган соя навларининг барчасида бир туп ўсимликдаги энг кўп тўпланган дуккаклар суғориш олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-75% бўлиб, мавсум давомида 6 марта 600-989 м³/га ҳисобида мавсумий суғориш меъёри 5206 м³/га бўлган шароитда кузатилиб, 38,5-47,1 донани ташкил қилган. Шу суғориш тартибида ўрганилган соя навлари ўзаро таққосланганда, нисбатан юқори дуккаклар сон “Ўзбекистон-2” навида 46,3 дон ва “Олтинтож” навида 41,0 донани ташкил қилган. [58; б. 25-26].

Б.М.Холиқов ва А.А.Иминовлар томонидан 1999-2002 йилларда ЎзПИТИ марказий тажриба хўжалигида экиш меъёрлари ва такрорий экинларнинг тупроқ хажм массасига таъсири устида тадқиқотлар олиб борилган. Бу тажрибада энг яхши кўрсаткич соядан кейин экилган кузги буғдойдан (0,048-0,056-0,063 г/см³ камайган) олинган. Кузги буғдойнинг экиш меъёрлари ортиб бориши билан тупроқнинг хажм массаси камайиб боради. [85; б. 92-93].

А.М.Мансуровнинг илмий изланишларида мош, маккажўхори, тарик ва соя экинларини такрорий қилиб ўстиришда кўчат қалинлигининг ортиши ўсимликнинг вегетатив қисмини ривожланишига ижобий таъсир қилсада, ҳосил органларига бўлган таъсири мош экинида 100 минг/га, маккажўхорида

80 минг/га, тариқда 2,5 млн/га, ва сояда 260 минг/га бўлган вариантларда мақбул бўлганлиги кузатилган. [49; б. 53-57].

М.Маннопованинг таъкидлашича, кузги бугдойдан кейин сояни “Тўмарис” ва “Олтинтож” навларини дон ва мой олиш мақсадида ўстиришда, имкон қадар эрта экиш (1 июлгача) ва хар бир ўсимлик учун озикланиш майдонини каттароқ (240 см²) белгиланиши яхши натижа беради. [47; б. 67-71].

И.Карабаев сояни анғизга экишда ерга ишлов бериш усулларнинг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсирини ўрганган. Олиб борилган илмий изланишларда 8-10 см чуқурликда культивация ёрдамида ишлов бериб, бир йўла такрорий экин сифатида экилган соя даласининг амал даври бошида тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти 6 соатда 769,2 м³/га, амал даври охирида эса 565,9 м³/га ни ташкил этади. Бу эса тупроққа 16-18 см чуқурликда чизел ёрдамида ишлов бериб, сўнгра экилган ва вариантга нисбатан амал даври бошида 184,7 м³/га, амал даври охирига келиб 232,1 м³/га гача кам бўлганлигини аниқлаган. Дон ҳосилдорлиги 8-10 см чуқурликда культивация ёрдамида ишлов бериб экилган вариантдан 18,3 ц/га, тупроққа 16-18 см чуқурликда чизел ёрдамида ишлов бериб экилган вариантдан эса 15,2 ц/га ни ташкил этган. [40; б. 29].

Т.Осербаева, Д.Утамбетов, Р.Бекимбетовларнинг таъкидлашларича, экиш муддати ва меъёри соя ўсимлигининг ривожланишига таъсир ўтказади. Экиш меъёрларини (30, 40, 50 кг) ортиши билан ўсимликнинг поя баландлиги ҳам ортади, экиш муддатлари (10, 20, 30-апрел) ўсимлик дуккакларининг шаклланишигача ўсимлик кўчат сони ортиши билан поя баландлиги ортиб боради, охири муддатда эса камаяди. [60; б. 24].

Н.Ёдгоров, Ф.Жаббаров, Ғ.Узақовларнинг таъкидлашича, такрорий экин сифатида экилган мош ва соя экинлари тупроқ структурасини яхшилаш билан бир қаторда тупроқ таркибидаги озиқа элементларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. [26; б. 20].

М.Маннопованинг фикрича, соя ўсимлиги ёруғликка бўлган талабига кўра, қисқа кун ўсимлик ҳисобланади ва уни кузги бўғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилганда, ўсимликни гуллаш-дуккаклаш давларидаги куннинг узунлиги, шу экинни талаб даражасига келиб қолиши, куёш ёруғидаги соя учун энг зарур ультра-бинафша нурларини тушишининг энг юқори даражага кўтарилиши ва бошқа омилларни экин талаби даражасида бўлиши ҳисобига, такрорий соянинг амал даври баҳорда экилгандан ўртача 12-22 кунгача қисқариши кузатилган. [48; б. 67-71].

Юқоридаги адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, соянинг ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишда тўғри нав танлаш, танланган навларнинг маълум тупроқ иқлим шароитларида юқори ва сифатли дон ҳосили олишни таъминловчи суғориш тартибларини ўрганиш муҳим саналади. Демак, сояни ҳосилдорлигини ошириш ва барқарорлаштиришда нав, суғориш тартиблари ва тупроқ иқлим шароитлари асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Х.Атабаева ва М.Саттаровлар томонидан соянинг озиқа элементларга муносабатини ўрганиш учун Ўзбекистон шолічилик илмий-тадқиқот институтида дала тажрибалари олиб борилган бўлиб, бу тажрибаларда соя ўсимлигининг ўсиши, ривожланишига минерал ўғитлар билан олтингугуртнинг таъсири ўрганилган. Тажриба натижаларига қараганда, соя ўсимлигини етиштиришда минерал ўғитларнинг меъёри $N_{50}P_{100}K_{70}$ кг/га қўлланилганда назорат (18,8 ц/га) га нисбатан (25,0 ц/га) 6,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган ва минерал ўғитларга ($N_{50}P_{100}K_{70}$ кг/га) 1,2 кг/га меъёрда олтингугурт қўшиб қўлланилганда, назоратга (18,8 ц/га) нисбатан (37,3 ц/га) қўшимча 11,2-18,4 ц/га ҳосил етиштирилган. [21; б. 36-37].

О.Сотторов томонидан (2019 йил) такрорий экин сифатида соянинг “Орзу”, “Ўзбекистон-2”, “Олтинтож” ва “Селекта-201” навларининг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича типик бўз, оғир механик таркибли сизот сувлари чуқурда жойлашган тупроқлар шароитида дала тажрибалари олиб борилган. Соя навларини ўсув даври давомида 6 марта суғорилиб, бунда 1-2-

1 суғоришларда суғориш меъёри 600-700 м³/га, 3-6-суғоришларда эса 950-1000 м³/га, мавсумий суғориш меъёри эса 5200 м³/га бўлишлиги ва шу меъёрларда суғорилганда, соя навларидан 24,8-30,3 ц/га дон ҳосили олинган. [73; б. 37-38].

Р.Сиддиқов, А.Мўминов ва У.Эргашевлар томонидан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг “Марказий” тажриба даласида ўтлоқи тупроқлар шароитида 2018 йилда соя навларини маъдан ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари ва муддатларини ўрганиш, суғоришнинг мақбул муддатларини белгилаш мақсадида дала тажрибаси ўтказилган бўлиб, тажриба натижаларига қараганда соя навларига маъдан ўғитлар меъёри соф ҳолдаги фосфор Р₉₀ кг/га, К₆₀ кг/га фонида “Тўмарис Ман-60” навига N₁₂₀ кг/га азотли ўғит берилганда 35,8 ц/га, “Ойжамол” навига N₁₂₀ кг/га азотли ўғит берилганда 28,7 ц/га, “Селекта-201” навига N₉₀ кг/га азотли ўғит берилганда 21,6 ц/га, “Амиго” навига N₉₀ кг/га азотли ўғит берилганда 18,4 ц/га дон ҳосил олиншини иқтисодий жиҳатдан энг самарали деб ҳисоблаш мумкинлиги аниқланган. [70; б. 38-39].

Н.Умарова, Р.Саитканова ва ва Х.Идрисовларнинг фикрича, соя ўсимлиги етиштирилганда минерал ўғитлар N₅₀P₁₀₀K₇₀ меъёрда кўлланилганда, соянинг фотосинтетик фаолияти фаоллашади ва соя агротехнологиясида минерал ўғит билан бирга микроэлементларни ҳам кўллаб барг орқали озиклантирилганда, соя ўсимлигининг дон ҳосили 6,2-14,2 ц/га ошиши таъминланади. [75; б. 40].

Б.Халиков, Н.Ёдгоров, Ў.Маҳмудовларнинг таъкидлашича, кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида ерёнғоқ, соя ва мош экинларини экиш тупроқнинг ҳажм массасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, унумдорлигини оширади. [80; б. 66-67].

З.Жумабоев ва Ғ.Парпиевларининг тажриба натижаларининг кўрсатишича, дон-дуккакли экинлардан кейин соянинг ўзини тоза ерга экса ҳам тупроққа мақбул таъсири кўрсатиши ва сояни озуқабоп экинларнинг

турли компонентларидан кейин экилса, янада яхшироқ кўрсаткичлар олиниши мумкин. [29; б. 26-27].

С.Хатамов ва А.Иминовларнинг тадқиқот натижаларининг хулосаларига кўра, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин соя: ғўза тизимида, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва нисбатан ошириш учун кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг N-180, P₂O₅-120, K₂O-90 кг/га, такрорий экин сояда N-25, P₂O₅-90, K₂O-60 кг/га қўлланилган фонларда қўшимча равишда 15 т/га органик-маъдан компости қўллаш ғўзадан 8,0 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишни таъминлаган. [83; б. 80-81].

С.Хатамов ва А.Иминовларнинг тадқиқот натижаларига кўра, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий экин соядан нисбатан юқори ва сифатли дон ҳосилларини олиш учун кузги буғдойда маъдан ўғитлар N-180, P₂O₅-125, K₂O-90 кг/га ва 15 т/га органик-маъдан компост қўлланилиши кераклигини ва сўнгра такрорий экин соя экиб N-25, P₂O₅-90, K₂O-60 кг/га меъёрларда қўллаш тавсия этилган. [84; б. 23-24].

А.А.Иминов, З.Т.Умарова, У.Алиқуловларнинг маълумотларига қараганда, қишлоқ хўжалик экинларини ғўза-ғалла звеносида қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига такрорий экин сифатида дуккакли-дон, оралик ва сидерат экинларини киритилиши тупроқдаги озика моддалар миқдорини ўсимликлар томонидан қайтарилиши натижасида улар дастлабки йилда муқобиллашиб, йиллар ўтиши билан эса ошиб бориши кузатилган. [35; б. 23-26].

Л.Халилова ва Б.Қўлдошевларнинг таъкидлашларича, такрорий экилган соя навларининг ҳосилдорлиги ва ҳосил элементлари экиш муддатларини кечикиб бориши билан камайиб боради. Самарқанд вилояти шароитида, соянинг Краснодар ўлкасидан келтирилган Арлета, Амиго 1 дан 16 июлгача, маҳаллий Орзу навини 1 июлгача такрорий экин сифатида экиш мақсадга мувофиқ. [81; б. 62-63].

Г.Ш.Раимбаева, М.Н.Урмановаларнинг тадқиқотларида, соя экилган тупроқларда ғўза экилган тупроққа нисбатан биологик фаоллик юқори эканлиги кузатилган. [61; б. 67-69].

Я.Бўриев ва Ж.У.Абдуллаевларнинг олиб борган тажрибаларида, соя экини ўзидан кейин тупроқ таркибида биологик азот миқдори 0,018-0,025 % гача ошириши ва ундан кейин экилган ғўза ҳосилдорлигини 4,0-5,5 ц/га оширганлиги исботланган. [24; б. 383-387].

Д.Ёрматова ва Г.Тангироваларнинг таъкидлашича, сояда нитрагиннинг таъсир кучи тўғри белгиланиши учун намлик ва ҳарорат етарли бўлиши, ерга азотли ўғит кам солиниши керак. Тупроқда нам кам бўлса ёки ҳарорат етарли бўлмаса илдизларда туганакларнинг вазни ва сони кам бўлади. [28; б. 20].

Соя экинни экиш ва ундан мўл ҳосили етиштиришда тупроқ унумдорлиги ҳамда сув таъминоти яхши бўлган майдонларни танлаб олиш, шунингдек, экинни тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. [4; б. 4].

Соянинг ўсув даври давомида шоналаш-гуллаш босқичида тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда гектарига ўртача 600-650 м³/га меъёрда биринчи марта, гуллаш-дуккаклаш даврида иккинчи марта, дуккаклаш доннинг тўлиш даврида учинчи марта гектарига 800-850 м³/га меъёрда, соя донини пишиш босқичида намликни сақлаб туриш мақсадида ҳар 15-20 кунда бир суғориб туриш мақсадга мувофиқ [5; б. 92].

С.Ҳ.Исаев, З.З.Қодиров ва Ш.Ғ.Фозиловларнинг тажрибаларида, Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган шўрланишга мойил бўлган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида парваришlashда тупроқ суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлганда, сув бериш тизими 1-2-1, униб чиқиш, гуллаш фазасида суғориш меъёри 615 м³/га, гуллаш дуккак тугиш фазасида суғориш меъёрлари 600-550 м³/га, мавсумий суғориш меъёри-2360 м³/га сув билан соянинг Нафис ва Ўзбек-6 навларидан кўшимча дон ҳосили олишга эришиш мумкинлиги аниқланган. [38; б. 159-163].

У.Нематовнинг таъкидлашича, суғориш сонларининг ортгани сари соянинг сув сарфи кўпаяди. [56; б. 23].

У.Нематов ўтлоқи тупроқлар шароитида соянинг суғориш усуллариининг тупроқ хажм массасига таъсирини ўрганиб, амал даври бошига нисбатан амал даври охирида барча суғориш усулларида тупроқ хажм массаси ортганлигини аниқлаган. [55; б. 35].

Н.Эргашев Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқларида такрорий экин сифатида соянинг “Орзу” навидан мақбул агротехник тадбирлар натижасида 27,2-29,8 ц/га дон ҳосили олган.[53; б. 38-39].

Н.Ёдгоров, Ф.Жабборов ва Ғ.Узақовларнинг таъкидлашича, такрорий экин сифатида экилган мош ва соя экинлари тупроқ структурасини яхшилаш билан бир қаторда тупроқ таркибидаги озика элементларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. [27; б. 20-21].

И.Қарабаевнинг олиб борилган илмий тадқиқотларида, кузги буғдойдан бўшаган майдонларда тўғридан-тўғри тупроққа 8-10 см чуқурликда культивация ёрдамида ишлов бериб, бирйўла соя экилганда, тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобиляти кўрсаткичлари 184,7-232,1 м³/га гача яхшиланиши ва бир меъёрда бўлганлиги натижасида ўсимликларни ўсиб, ривожланишига ва пировардида юқори ҳосил олиши таъминланган. [40; б. 29].

А.Б.Маматалиев Сурхон-Шеробот воҳасининг саҳро-қум тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида сояда томчилатиб суғоришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 ва 70-80-60 % бўлган тартибларда, эгатлаб суғоришга солиштириб ўрганган. Тажриба натижаларига кўра, соя эгатлаб суғориш усулида мавсум давомида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% бўлганда 7 марта, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60% бўлганда 9 марта суғорилган, томчилатиб суғориш усулида мавсум давомида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% бўлганда 9 марта, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60% бўлганда 10

марта суғорилган. Томчилатиб суғориш усулида суғориш тартибларига мос равишда 22,6-24,0 ц/га дон ҳосили олиш таъминланган. [47; б. 177-180].

А.Б.Маматалиев Сурхондарё вилоятининг суғориладиган сахро-қум тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида парваришланган соя ва кунгабоқарни эгатлаб ва томчилаб суғориш усулларида экинларнинг суғориш тартибларини ўрганган. Тажриба натижаларига қараганда, иккала суғориш усулида ҳам суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60% тартибда суғориш кунгабоқар ва соянинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилиши маълум бўлган. [45; б. 82-84].

З.З.Қодиров ва Д.Г.Юлчиев ва Х.Жўраеваларнинг таъкидлашича, сув режимининг хусусиятлари бўйича соя навлари мезофитлар бўлиб, вегетация давомида баргларидаги сув миқдорининг юқорилиги, сув танқислигининг камлиги билан тавсифланади. Транспирация жадаллигининг кунлик ўзгариши амплитудасининг катталиги сув режимининг ўзгарувчанлигини ифодалайди. [43; б. 161-164].

Ф.Намозов, Х.Бозоров ва Ғ.Қараевлар Жиззах вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида соя навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, соянинг Ўзбекистон-6 навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС 60-65-65% тартибида ва Севинч навини 70-75-70% тартибида тутиб туриш ва мавсум давомида 1175-1435 м³/га меъёрда 2 ва 3 маротаба суғоришни тавсия этишган. [54; б. 534].

У.М.Нематов томонидан ўтлоқи тупроқлар шароитида соя ўсимлиги мақбул суғориш тартиби қўлланилганда 110-120 кг/га биологик азот тўпланган. [57; б. 13].

О.Мирзаев, А.Тагаевларнинг илмий изланишларида, Андижон вилояти шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонларда такрорий экиш учун соянинг эртапишар ва ўртапишар навларини экиш мумкинлиги аниқланган. [51; б. 32-33].

И. Абитов такрорий экин сифатида экилган соянинг тезпишар Орзу ва Генетики-1 навларини озикланиш меъёрларини ўрганган бўлиб, мавсум

давомида азот 50 кг/га, фосфор 100 кг/га ва калий 150 кг/га меъёрларида ўғитлашни самарали бўлишини аниқлаган. [17; б. 17].

Torrion, Jessica A. ning фикрига кўра, соянинг сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун чекланган дала нам сифимига нисбатан мақбул тупроқ намлигини тўғри белгилаш зарурлиги таъкидланган. 8 та соя навлари ўрганилганда суғоришларга ўсимликларнинг таъсирчанлиги бир биридан кескин фарқланиши кузатилган. Шу сабабли ҳам мақбул кўрсаткичлар олиш учун ЧДНСга нисбатан намлик кўрсаткичи 65% дан кам бўлмаслиги кераклиги таъкидланган. [10; б. 2782-2795].

Сувдан самарасиз фойдаланиш ва бошқаришга асосий сабаблардан бири бу ўсимликнинг сувга бўлган талаби ҳақида етарли маълумотларга эга бўлмаслик ҳисобланади. Бразилия давлатининг жанубий минтақаларида сояни суғориш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, эвапотранспирация кўрсаткичлари FAO-56 услуги бўйича ҳисоблангандаги кўрсаткичига нисбатан 20% га камроқ бўлганлиги асосан ўсимлик коэффиценти (K_s) кўрсаткичининг 0,92 бўлганлиги билан изоҳланган. [7; б. 1-7].

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлиллари асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: Кузги буғдой ва соянинг янги навлари экинларнинг талаби ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориш тартибларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш йўналишидаги ишлар камлиги ушбу йўналишда илмий изланишлар ўтказишимизга тurtки бўлди.

II БОБ. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБЛАРИ.

§.2.1.Марказий минтақа: Андижон вилоятининг табиий иқлими, тупроғи, мелиоратив ва гидрогеологик шароитларининг таърифи.

Иқлим шароитлари. Андижон вилояти Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган. Майдони 4,2 минг км². Ўзбекистоннинг йирик индустриал шаҳарларидан бири. Денгиз сатҳидан 450 м баландликда жойлашган. Июлнинг ўртача ҳарорати 27°С - 28°С, январники - 3°С. Андижон вилояти ер юзаси асосан текислик. Вилоятнинг ғарбий қисми қирли текислик (бал. 400–500 м), шарқи (Андижон шаҳридан шарқда) Фарғона ва Олой тизмаларининг тармоқларидан иборат. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Тоғ тизмалари Фарғона водийсини совуқ хавонинг кириб келишидан тўсиб турганлиги учун қишда Андижон вилоятида об-ҳаво бирмунча барқарор. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача температураси 27,3°С, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача температураси -3°С. Ўсимликларнинг амал даври 217 кун. Йилига 200–250 мм ёғин тушади. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан сув ресурсларига бой. Дарёлари ёғиндан, тоғлардаги йиллик қор ва музликлардан сув олади. Асосий дарёси– Қорадарё (Сирдарё ирмоқларидан бири). Унинг ирмоқлари – Мойлисув, Оқбоғра, Аравонсой ва бошқа дарёларининг суви суғориш учун ишлатилади. Тупроқлари бўз, қонғир, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи тупроқлар, қумтош, мергел, лесс ва чақиртошлардан иборат.³


Маълумки, ўсимликларнинг ривожланиш давларида иқлим асосий меъзонлардан бири ҳисобланади. Ҳаво ҳароратининг пастлиги ёки юқори келиши билан ўсимликларнинг маълум ривожланиш даврининг давомийлиги, қўлланилган агротехник тадбирларнинг таъсири сезиларли даражада ўзгаради ва пировард натижада бу ўсимликларнинг ҳосил элементлари, ҳосил миқдори ва унинг сифатига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. 2017-2020 йиллар давомида олиб борилган илмий изланишларимизда ҳам Андижон вилоятининг кескин континентал иқлими

³ https://uz.wikipedia.org/wiki/Andijon_viloyati


дала тажрибаларимизда ўрганилган омилларга, махсулот сифати ва миқдorigа ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмади. Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича 2017-2020 йилларда олиб борилган дала тажрибаларимизда Андижон вилояти иқлим шароитларининг ҳаво ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$), ёғингарчилик миқдори (мм) бўйича «Ўзгидромет» Андижон филиали маълумотлари бўйича тўхталиб ўтишни лозим топдик. (2.1-жадвал, 2.1-расм, 2.2-расм)

Кузги буғдойнинг амал даври октябр ойдан июн ойигача 2017-2019 йиллар давомида таҳлил қилганимизда амал даври давомида энг паст ҳарорат кўрсаткичи йиллар давомида январ ойида кузатилди. Энг паст кўрсаткич 2017 йил январ ойида $0,3^{\circ}\text{C}$ ни, кўп йилликда эса $0,3^{\circ}\text{C}$ ташкил этди. Амал даври давомида ҳаво ҳарорати ойлар бўйича ўртача октябрда $13,7^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $13,5^{\circ}\text{C}$, ноябрда $8,4^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $7,0^{\circ}\text{C}$, декабрда $0,8^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $1,1^{\circ}\text{C}$, январда $0,3^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $-0,4^{\circ}\text{C}$, февралда $3,8^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $2,5^{\circ}\text{C}$, мартда $12,2^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $9,2^{\circ}\text{C}$, апрелда $16,1^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $16,2^{\circ}\text{C}$, майда $21,1^{\circ}\text{C}$, кўп йилликда $21,3^{\circ}\text{C}$, июнда $27,0^{\circ}\text{C}$ кўп йилликда $26,1^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг амал даври (июл, август, сентябр, октябр,) давомида 2017-2019 йиллар давомида ойлар бўйича ўртача июлда $28,9^{\circ}\text{C}$, кўп йиллик $27,6^{\circ}\text{C}$, августда $26,0^{\circ}\text{C}$, кўп йиллик $25,6^{\circ}\text{C}$, сентябрда $21,9^{\circ}\text{C}$, кўп йиллик $20,4^{\circ}\text{C}$, октябрда $13,7^{\circ}\text{C}$, кўп йиллик $13,5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди.

Ёғингарчилик миқдори кузги буғдой амал даври давомида ойлар бўйича ўртача октябрда $44,2$ мм, кўп йилликда $22,0$ мм, ноябрда $1,8$ мм, кўп йилликда $28,2$ мм, декабрда $9,5$ мм, кўп йилликда $34,2$ мм, январда $7,2$ мм, кўп йилликда $22,9$ мм, февралда $32,6$ мм, кўп йилликда $30,6$ мм, мартда $40,6$ мм, кўп йилликда $34,0$ мм, апрелда $34,5$ мм, кўп йилликда $26,5$ мм, майда $17,2$ мм, кўп йилликда $24,7$ мм, июнда $8,1$ мм кўп йилликда $11,8$ мм ни ташкил қилди.



2.1-расм. Йиллар бўйича ҳаво ҳарорати, ўртача, °C



2.2-расм. Йиллар бўйича ёғингарчилик миқдори, мм

Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг амал даври давомида ёғингарчилик 2017-йилда ойлар бўйича июлда 0,0 мм, кўп йиллик 4,9 мм, августда 11,6 мм, кўп йиллик 3,0 мм, сентябрда 7,8 мм, кўп йиллик 4,0 мм, октябрда 44,2 мм, кўп йиллик 22,0 мм ни ташкил этди.

§.2.2.Тадқиқот ўтказиш услуби ва тизими

«Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқларида кузги буғдой ва такрорий экиладиган соянинг янги навларини мақбул суғориш тартибини ўрганиш» мавзусидаги олиб борилган илмий изланишларимиз сизот сувлари 1,5-2 метрда жойлашган ўтлоқи тупроқлар шароитида 2017-2020 йиллар давомида Андижон вилоятининг Андижон ва Избоскан туманлари шароитида олиб борилди ва шу туманлардаги фермер хўжаликлари далаларида ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилиши таъминланди.

Кузги буғдой бўйича тадқиқотлар Андижон вилояти Избоскан туманидаги 2017-2020 йилларда «Избоскан иқтидор ишонч» фермер хўжалиги ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб борилди.

Диссертация мавзуси бўйича қўйилган масалаларни ўрганиш учун кузги буғдойнинг Тая, Вершина, Калым, Андижон-4 навлари экилди. Тадқиқотларда кузги буғдой бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган «Пахта майдонларида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ва Г.Г.Гатаулина ва М.Г.Объедков (2000) услубиятлари асосида олиб борилиб, агротехник тадбирлар хўжаликда қабул қилган тартибда амалга оширилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70%, 75-75-75%, 80-80-80% тартибларда, олиб борилди. Тупроқ намликларини ҳисобий қатлами туплашгача 0-50 см, туплашдан найчалашгача 0-70 см ва найчалашдан тўлиқ пишиш давригача 0-50 см олинди. Дала тажрибаларимиз бир ярусда 4 қайтариқда жойлаштирилиб, изланиш-тадқиқот ишлари олиб борилди. Эгат узунлиги 50 м, 16 та қатордан, эгат оралиғи 60 см, 16 қаторнинг ўртадаги 8 қатори

ҳисобий қаторлар, икки четдаги тўртта 4+4=8, 4+4=8 қаторлари эса ҳимоя қаторлари ҳисобланди. (2.3-жадвал)

Такрорий экин сифатида парваришланган соя экини бўйича тадқиқотлар 2017-2019 йилларда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти» ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб борилди.

Диссертация мавзуси бўйича қўйилган масалаларни ўрганиш учун такрорий экиладиган соянинг янги Тўмарис ва Ойжамол навлари экилди. Суғориш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65%, 70-75-65%, 75-80-70% тартибларда олиб борилди. Тупроқ намликларини ҳисобий қатлами гуллашгача 0-50 см, гуллаш ҳосил тўплаш 0-70 см ва пишиш тўлиқ пишиш давригача 0-50 см олинди. Дала тажрибаларимиз бир ярусда 4 қайтариқда жойлаштирилиб, изланиш-тадқиқот ишлари олиб борилди. Эгат узунлиги 50 м, 16 та қатордан кенглиги 9,6 м, эгат оралиғи 60 см, 16 қаторнинг ўртадаги 8 қатори ҳисобий қаторлар, икки четдаги тўртта 4+4=8, 4+4=8 қаторлари эса ҳимоя қаторлари ҳисобланди. (2.4-жадвал)

2.3-жадвал

Кузги буғдойнинг тажриба тизими.

№	Кузги буғдой навлари	Тупроқнинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %
1.	Таня (андоза)	70-70-70
2.	Вершина	
3.	Калым	
4.	Андижон-4	
5.	Таня (андоза)	75-75-75
6.	Вершина	
7.	Калым	
8.	Андижон-4	
9.	Таня (андоза)	80-80-80
10.	Вершина	
11.	Калым	
12.	Андижон-4	

Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг тажриба тизими.

№	Соя навлари	Тупрокнинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %
1.	Тўмарис	65-70-65
2.	Ойжамол	
3.	Тўмарис	70-75-65
4.	Ойжамол	
5.	Тўмарис	75-80-70
6.	Ойжамол	

§.2.3. Тажрибаларда олиб борилган фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари.

§.2.3.1. Кузги буғдойда қуйидаги фенологик кузатишлар, ҳисоблашлар, лаборатория таҳлиллари олиб борилди:

1. Доннинг униб чиқиш даражаси 1 ва 3 такрорланишларининг барча вариантларида кузатилди;

2. Майсалар сони, кўчат қалинлиги 1 м² да барча вариантларнинг 3 нуқтасида аниқланди;

3. Фенологик кузатувлар–униб чиқиш–майсалаш, тупланиш, найчалаш, бошоқлаш, гуллаш, пишиш (сут, мум, тўлик) даврлари–ҳисобли ўсимликларда олиб борилди;

4. Кузги буғдойнинг:

- туплар сони;
- умумий поялар сони;
- маҳсулдор поялар сони; тажрибанинг барча вариантларининг 3

нуқтасида 1 м² майдонда кузатилди;

5. Ҳар бир вариантда 100 та ўсимликда қуйидагилар аниқланди:

- кузги буғдойнинг поя баландлиги (найчалаш, бошоқлаш ва тўлиқ пишиш даврларида);

- бошоқ узунлиги (тўлиқ пишиш даврида);

- битта бошоқдаги дон сони;

- битта бошоқдаги дон оғирлиги;

- 1000 дона дон оғирлиги;

6. Ҳосилни йиғиштириш даврида тажрибадаги барча вариантлар такрорланишларининг 3 нуқтасидан 1 м² даги буғдой ўриб олиниб, ундаги донлар янчилди ва тарозида тортиш йўли билан дон ва сомон ҳосилдорлиги ҳисобланди;

7. Доннинг технологик сифат кўрсаткичлари (намуналар махсус лабораторияга топширилиб) аниқланди;

8. Олинган натижалар дисперсион усулда таҳлил қилинади. (Б.А.Доспехов 1985 йил).

9. Тажриба вариантларининг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди.

§.2.3.2. Сояда қуйидаги фенологик кузатишлар, ҳисоблашлар, лаборатория таҳлиллари олиб борилди:

1. Уруғнинг даладаги униб чиқиш даражаси умумий фонда, навлар бўйича 3 хил муддатда (униб чиқиш бошланганда, қийғос униб чиққанда, тўлиқ униб чиққанда) тажриба даласининг 5 та нуқтасида кузатилди;

2. Майсалар сони, кўчат қалинлиги ҳисобий қаторлардаги барча кўчатларни санаш йўли билан аниқланди;

3. Соя ўсимлигининг асосий поясининг баландлиги, ҳосил шакллари, дуккаклар сони, битта дуккакдаги дон вазни, 1000 дона дон вазни ҳар бир вариантда 3 нуқтасида 100 тупдан белгиланган ўсимликларда аниқланди;

4. Ҳар бир вариантда 100 та ўсимликда қуйидагилар аниқланди:

- соянинг асосий поя баландлиги (1 чи 3 талик барғни ҳосил бўлиши, шоҳлаши, гуллаши, дукак ҳосил қилиш ва пишиши);

5. Соя дони таркибидаги ўртача мой миқдори лаборатория шароитида аниқланди.

6. Тажрибадаги соя ўсимлигини вариантлар бўйича ҳосилдорлиги аниқланди.

7. Олинган натижалар дисперсион усулда таҳлил қилинди. (Б.А.Доспехов 1985 йил).

8. Тажриба вариантларининг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди.

§.2.2.2. Кузги буғдой ва соя тажриба далаларида олиб борилган агрохимёвий-агрофизик тадқиқотлар ва кузатув ҳамда ҳисоблаш ишлари.

1. Тупроқнинг морфологик тузилишини тадқиқотлар бошланишидан олдин тажриба даласи майдонида сизот сувлари сатҳигача бўлган чуқурликда тупроқ чуқури қазилиб, генетик қатламлар бўйича тупроқнинг морфологик тузилиши аниқланди.

2. Дала тажрибаларимиз ўтказилган тупроқларнинг амал даври бошида ва охирида 0-30, 30-50 см тупроқ қатламларда тупроқнинг таркибидаги гумус, азот, фосфор ва калий миқдорлари аниқланди. Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчан калий эса П.В.Протасов усули билан таҳлил қилинди.

3. Качинскийнинг пипетка усули ёрдамида тупроқнинг механик таркиби 0-30, 30-50 см қатламларда аниқланди.

4. Тупроқнинг намлик захираси тажриба даласининг 5 нуқтасидан конверт усулида сизот сувларигача бўлган чуқурликларда ҳар 10 см қатламдан тупроқ намуналари олиб терсостат-тарози усулида аниқланди. Амал даври охирида ҳар бир суғориш тартиблари бўйича 1 ва 3 қайтариқларнинг ҳар бир вариантыдан диаганал бўйича 3 нуқтасида тупроқ намуналари олиниб аниқланди.

5. Тупроқнинг хажм массаси амал даври бошида тажриба даласининг 5 нуқтасидан конверт усулида тупроқ намуналари олиб аниқланди. Амал даври охирида ҳар бир суғориш тартиблари бўйича 1 ва 3 қайтариқларнинг ҳар бир вариантдан диаганал бўйича 3 нуқтасида ҳар 10 см қатламдан 100 см гача тупроқ намуналари олиниб, цилиндр усулида аниқланди.

6. Тажриба даламизнинг тупроқларини ғоваклиги, тупроқнинг хажм ва солиштирма оғирлиги ($2,7 \text{ гр/см}^3$) маълумотлари бўйича кузатувлар амал даври боши ва охирида олиб борилди.

7. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тажриба даласининг 5 нуқтасидан аниқланди, амал даври охирида ҳар бир суғориш тартиблари бўйича 1 ва 3 қайтариқларнинг ҳар бир вариантдан диаганал бўйича 3 нуқтасида цилиндр усулида аниқланди.

8. Тупроқнинг чекланган дала нам сифими тажриба вариантларини жойлаштиришдан олдин 3×3 бўлган майдончаларга сув тўлдириш йўли билан аниқланди. Майдончалар даланинг диаганали бўйлаб 3 нуқтага жойлаштирилди. Тупроқ намлигини аниқлаш учун майдончаларнинг 3 та нуқтасидан ҳар 10 см қатламдан 100 см гача тупроқ намуналари олиниб термостат тарози усулида намликлар аниқланди.

9. Тажрибаларимизда суғориш олди тупроқ намликлари ҳисобий қатламларнинг ҳар 10 см қатлампидан тупроқ намуналари олиниб, термостат-тарози усулида аниқланди.

10. Тажриба майдонимизга кетган сув сарфи тажриба умумий майдони учун Чипполетти-0,50м, Чипполетти-0,25м, тажриба вариантларига эса Томсон 90° бурчакли сув ўлчагичлари орқали аниқланди.

11. Тажрибаларимизда ўрганилаётган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиш ва ҳосил тўплаши бўйича фенологик кузатувлар тажриба даласининг белгиланган 5 нуқтасидан 15 туп ўсимлик олиниб, ўсимлик бўйи ва ривожланиш даври белгиланди. Такрорий экин сифатида парваришланган

сояда эса рақамланган ўсимликларда ҳар 10 кунда фенологик кузатувлар амалга оширилди.

12. Тажрибаларимизда ўрганилган кузги буғдой ва соянинг кўчат қалинлиги амал даври бош ва охирида аниқланди. Кузги буғдой бўйича олиб борилган илмий изланишларимизда кўчат қалинлиги барча такрорланишларимизнинг барча вариантларида амалга оширилди. Кўчат қалинлигини аниқлаш учун ҳар бир вариантда 1 м^2 ўлчамли доимий қозиклар қоқилган 3 та нуқта (зинапоя шаклида) белгилаб олинди. Тажрибаларда ўрганилган такрорий экин сифатида парваришланган соянинг кўчат қалинлигини аниқлаш учун $60\text{-}5\times 1$ экиш схемаси бўйича назарий уялар сони ҳисоблаб чиқилди ва амал даври бошида уч муддатда ва охирига вариантлар бўйича таққосланиб кўчат қалинлиги ҳисобланди.

13. Амал даври охирида кузги буғдойнинг суғориш тартиблари бўйича ҳар бир вариантнинг 3-нуқтасидан 1 м^2 майдондаги буғдой қазиб олинди ва боғлам қилинди. Бу боғламларда ҳақиқий кўчат қалинлиги, умумий ва маҳсулдор поялар сони, бир бошоқдаги дон сони, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, боғламнинг оғирлиги, боғлам бошоқларидаги дон оғирлиги, 1000 дон дон оғирлиги, дон ва сомон ҳосилдорлиги аниқланди. Такрорий экин сифатида парваришланган сояда амал даври охирида ҳар бир суғориш тартиблари бўйича белгиланган 100 туп ўсимликлар қазиб олинди ва боғламлар қилинди. Бу боғламларда 1 та ўсимликдаги шох сони, дуккак сони, 1 та дуккакдаги дон сони, 1 та ўсимликдаги дон сони, 1000 дон дон оғирлиги, ўсимлик бўйи ва боғлам оғирлиги аниқланди.

14. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг амал даври давомида ва охирида ҳар бир суғориш тартиблари бўйича илдиз тизими ривожланиши ва илдизларида тўпланган туганакларни қазиб олиб санаб ва ўлчаб кўриш орқали туганакларининг сони ва илдизнинг узунлиги аниқланди.

15. Кузги буғдой ва такрорий экиладиган соянинг ҳосилини қайтариқлар бўйича ишончлилик даражасини Б.А.Доспеховнинг икки омилли дисперсия услуби асосида математик ишлов берилди.

16. Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг агроиктисодий кўрсаткичлари ҳар бир суғориш тартиби бўйича ҳисобланди.

§.2.3.Тажрибада ўрганилган кузги буғдой ва такрорий экиладиган соя навларини қисқача тавсифи.

§.2.3.1.Кузги буғдой навлари тавсифи

«ТАНЯ» нави-П.П.Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Ўзбекистонда 2007 йилдан бошлаб истиқболли навлар рўйхатига киритилган. Нав муаллифлари: Л.А.Беспалова, О.Ю.Пузырная, В.Р.Керимов, Ю.М.Пучков, В.А.Алфимов, И.Б.Аблова, Л.П.Филобок, И.Н.Кудряшов, Н.П.Фоменко, Г.И.Букреева, Т.И.Грицай, П.В.Конотоп. Келиб чиқиши: Тритикале билан буғдойни қайта чагиштириш комбинациясидан олинган дурагайлардан уч қарра танлаш усули билан яратилган. Умумий тавсифи: Ярим пакана нав, ётиб қолишга чидамлилиги юқори. Ўрта эртапишар. Тур хили *Lutescens*. Бошоғи цилиндрсимондан пирамидасимонгача, бошоқ зичлиги ва узунлиги ўртача. Дони тўкилмайди, бошоқча қобиқлари тухумсимон шаклда, кенглиги 3,5...4,5 мм., узунлиги 8,0...9,5 мм. Елкаси ўртача, тўғри. Қилтиқсимон ўсимталари 0,5 дан 4,5 см. Дони йирик тухумсимон шаклда. Ҳосилдорлиги: Ҳосилдорлиги юқори агрофонда гектаридан 122 центнерни ташкил этади. П.П.Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтида ўртача 4 хил ўтмишдош экинлардан сўнг олинган ҳосилдорлик 79,4 центнерни, Институтнинг Шимолий Кубань тажриба станциясида ўтказилган рақобатли нав синовида ўртача 3 йилда турли хил ўтмишдош экиндан сўнг ўртача 89,0 центнерни ташкил этган. Республикани Андижон вилоятида ўртача ҳосилдорлик гектаридан 63,9-76,2 центнерни, Фарғона вилоятида 64,2 центнерни ташкил этган. Нонбоплик хусусиятлари: 1000 дона дон вазни 45,4-

46,5 г., дон натураси 795-810 г/л. Сифат кўрсаткичлари бўйича «қимматбахо» буғдой гурухига киритилган. Касалликларга чидамлилиги: Сарик ва поя занги, ун шудринг, чанг қорақуя касалликларига чидамли. Қўнғир занг, септориоз ва бошоқ фузариози касалликларига ўртача чидамли. Совуқка чидамлилиги ўртачадан юқори, қурғоқчиликка чидамлилиги юқори. Экиш муддатлари: Минтақа учун мақбул. Экиш меъёри: гектарига 5,0 млн. дон унувчан уруғ ҳисобида белгиланади. Республиканинг Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий, ва Қашқадарё вилоятларида экишга тавсия қилинган.

«ВЕРШИНА» нави-П.П.Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Ўзбекистонда 2011 йилдан бошлаб истиқболли навлар рўйхатига киритилган. Нав муаллифлари: В.Я.Ковтуненко, Л.Ф.Дудка, В.Б.Тимофеев, Л.А.Беспалова, И.Н.Кудряшов, В.А.Филобок, В.В.Панченко, Р.А.Агаев, Н.И.Лысак, Л.М.Мохова, Л.М.Домченко. Умумий тавсифи: Ишлатишдан асосий мақсад нон ёпиш заводларига юқори сифатли буғдой етиштириш. Ярим пакана нав, ётиб қолишга чидамлилиги юқори. Ҳосилдорлиги: энг юқори ҳосилдорлик 100 ц/га. Ўртача тупланади, бошоқ махсулдорлиги юқори. Агрономик хусусиятлари: Ўртапишар, ўртача бўйли ётиб қолишга чидамли, дон тўйилишга юқори чидамли. Қишга чидамлилиги ўртача. Қурғоқчиликка чидамли. Агроўғитларга ўртача талабчан. Нонбоплик хусусиятлари: 1000 дон дон вазни 38-42 г. Сифат кўрсаткичлари бўйича «қимматбахо» буғдой гурухига киритилган. Касалликларга чидамлилиги: Касалликлардан Қўнғир ва сарик зангга чидамли, септориоз ва барг нуқталарига ўртача чидамли. Бошоқ фузариозига ўртача чидамли. Вирус касалликларига чидамли.

«КАЛЫМ» нави-П.П.Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Ўзбекистонда 2011 йилдан бошлаб истиқболли навлар рўйхатига киритилган. Нав муаллифлари: Л.А.Беспалова, О.Ю.Пузырная, А.В.Новиков, В.Р.Керимов, В.А.Алфимов, Г.И.Букреева, И.Н.Кудряшов, Л.П.Филлобок, Н.П.Фоменко,

В.И.Ефременкова, Л.В.Клинушкова. Умумий тавсифи:Ишлатишдан асосий мақсад нон ёпиш заводларига юқори сифатли буғдой етиштириш. Ҳосилдорлиги:Ярим пакана нав, ётиб қолишга чидамлилиги юқори. Энг юқори ҳосилдорлик 120 ц/га. Жуда юқори даражада тупланади. 1м² да 1000 та бошоқ ҳосил қилиш қобилятига эга. Бошоқ махсулдорлиги ўртача. Агрономик хусусиятлари: Ўртапишар, ярим пакана ётиб қолишга чидамли, дон тўкилишга юқори чидамли. Қишга чидамлилиги ўртача-юқори. Қурғоқчиликка юқори чидамли. Агроўғитларга юқори талабчан. Нонбоплик хусусиятлари: 1000 дона дон вазни 36-38 г. Сифат кўрсаткичлари бўйича «қимматбаҳо» буғдой гурухига киритилган. Касалликларга чидамлилиги: Касалликлардан Қўнғир ва сарик зангга ўртача чидамли, септориоз ва барг нуқталарига чидамли. Бошоқ фузариозига чидамли. Вирус касалликларига чидамли.

«АНДИЖОН-4» **нави**-Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтида П.П.Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда яратилган. Келиб чиқиши: Юқтина кузги юмшоқ буғдой навидан яқка танлаш усули билан яратилган. Нав муаллифлари: Р.Тўланов, Т.Жалолов, С.Тешабоев, В.Б.Тимофеев, Л.Ф.Дудка, В.Я.Ков-туненко, В.А.Филибок, Л.А.Беспалова, И.Н.Кудряшов. Умумий тавсифи: Эрта-пишар, ўрта бўйли (90-100 см), ётиб қолишга чидамли. Erythrospermum (эритроспермум) тур хилига мансуб. Бошоғи оқ рангда, цилиндрсимон шаклда, ўртача узунликда. Бошоқча қобиғи овал шаклда. Қилтиқлари оқ рангда, тарқоқ, ўртача дағалликда, дони тўкилмайди. Дони қизил, овал шаклда, ўртача катталиқда, дон чоки саёз. 1000 дона дон вазни 38,4-42,4 г. Ҳосилдорлиги: Юқори агротехника шароитида гектаридан 85,0-90,0 центнер дон ҳосили бериш имкониятига эга. Ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 75,0 центнерни ташкил этган. Андижон вилоятининг Шахрихон туманида ишлаб чиқариш шароитида 2009 йилда гектаридан 80,9-83,5 центнердан, Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида 72,9 центнердан дон ҳосили олинган.

Нонбоплик хусусияти: Дон сифати яхши, «қимматбаҳо» дон беради. Касалликларга чидамлилиги: Сарик занг билан жуда кам даражада зарарланиши, кўнғир ва поя занги, ун шудринг касалликлари билан ўртадан паст, бошоқ фузариози билан эса ўртача касалланиши мумкин. Қишга чидамлилиги ўртачадан юқори, қурғоқчиликка ва шўрга чидамли.

§.2.3.2.Такрорий экиладиган соя навлари.

«ТЎМАРИС» нави-Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтида яратилиб, 2007 йилда Давлат нав синаш комиссиясига топширилган. Келиб чиқиши:АҚШнинг BRONSON навидан якка ва кўп марта ёппасига танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлар:Маннопова.М, Сиддиқов.Р, Мирзааҳмедов.Б. Нав эртапишар, ўсув даври 112-116 кунни ташкил этади. Такрорий қилиб экилганда 80-86 кунда пишиб етилади. Серҳосил, унинг имконият даражаси гектаридан 44-48 центнерни ташкил этади, ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 39.2-41,1 центнерни, такрорий қилиб ўстирилганда эса ҳар гектаридан 27,8-28,5 центнерни ташкил этади. Пояси тик ўсувчи деярли шохламайди, асосий поянинг баландлиги ўртача 85-115 см.гача. Барглилиги 40-42 фоиз, ўртача катталиқда, қалин, тўқ яшил рангда, баргчалари учи ўткир чўзиқ тухумсимон шаклда. Тўпгули кўп гуллик (8-22 тагача) шингилдан иборат бўлиб, тожибарги тўқ бинафша рангда. Мевалари нисбатан майда, юмалоқ чатнашга чидамли, қалин тукли, дуккакни учи тумшуксиз, ҳар бир дуккакдаги дон сони 3-4 тагача. Дони юмалоқ шаклда, тўқ сарик, ялтироқ пўстли, сарик уруғ паллалик дон бўлиб, 1000 та уруғ вазни 140-150 г. Уруғ қопчиғи оч қизил, йирик, ўртасида оқ рангли қопчиқ ўрни бор. Донидаги мойлилик ўртача 24,8-25,5, айрим ҳолларда такрорий ўстирилганда 27,4 фоизгача етади, оқсил миқдори эса 42,3 фоизга тенг. Нав ҳосилини механизмлар билан ўриб олишга жуда мос, дуккаклари бир вақтда пишиб етилади.

«ОЙЖАМОЛ» нави-Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтида яратилиб, 2009 йилдан

истикболлик навлар қаторига киритилган. Келиб чиқиши: Франциянинг К-3965 намунасидан икки мартаба якка танлаш йўли билан олинган. Нав суғориладиган тупроқлар шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий қилиб ўстиришга мос, эртапишар. Ўсув даври 100-120 кун, такрорий экин сифатида парваришланганда эса 82-88 кунда пишади. Муаллифлар: Маннопова.М, Сиддиқов.Р, Мирзааҳмедов.Б. Пояси тик ўсувчи, кам шохлайдиган, баландлиги ўртача 80-85см, навни кўчат қалинлиги гектарига 350 минг, поя ва дуккакларидаги туклилиги қалин, тукларининг ранги кул ранг, тўқ қум ранг. Барглари йирик, баргчаларнинг четлари тишсиз, баргининг ранги оч-яшил, барглари орқасигина тукли, дуккаклари пишганда 80 фоизгача баргини тўқади, баргчаларининг учи тумтоқ. Гуллари калта шингил бандида 8-12 тадан жойлашади, гули майда, гултожисининг ранги оқ. Мевалари нисбатан юмолоқроқ ярим эгилган, кўп уруғлик дуккак, ҳар туп ўсимликда 45-61 донагача дуккак шаклланади. Дуккагининг учида кичик ўткир тумшукчаси бор, ҳар бирида 2-4 донагача уруғ сақлайди, дуккаги кам чатнайди, ҳосилни йиғиштириб олиш кечиктирилганда дукаклари тўкилиши мумкин. Уруғи йирик, юмолоқ, тухумсимон шакллик, ялтироқ, оқ-сарик пўстлик, тўқ сарик уруғ паллалик, дон, уруғ қопчиғи рангсиз йирик чизиқчалик бўлиб, унинг изи жуда аниқ ифодаланган, уруғининг катталиги диаметри 5,5-6,0 мм га тенг, жуда чиройли кўринишга эга. 1000 дона уруғини вази 160-180 грамм. Уруғи таркибида 40-42 фоиз оқсил, 22-23,5 фоиз ўсимлик мойи сақлайди. Ҳосилдорлиги рақобатли нав синаш кўчатзорларида 30,8-35,0 центнерни ташкил қилди, навнинг ҳосилдорлик имконияти 40-44 ц/гача.

§.2.4.Тажриба даласида олиб борилган агротехник тадбирлар.

§.2.4.1. Кузги буғдой тажриба даласида олиб борилаётган агротехник тадбирлар. (2017-2020 йй)

Андижон вилояти ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотларимизда тажриба даласини экишга тайёрлаш ишлари октябр ойининг 1-ўн

кунлигигача бўлган муддатда бажарилди. Ғўза қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтлардан тозалаш мақсадида ТТЗ-80.11 тракторига тиркалган КРХ-4 агрегатида культивация қилинди. Кузги буғдойни экиш олдидан МТЗ-82 тракторига тиркалган НРУ – 0,5 ўғитлагичида ғўза қатор ораларига фосфорли 500 кг (соф ҳолатда – 90 кг P_2O_5 суперфосфат-18%) ва калийли 100 кг (соф ҳолатда 60 кг K_2O калий хлорид-60%) ўғитлар йиллик меъерининг 100% шудгор остига солинди ва ТТЗ-80.11 тракторига тиркалган КРХ-4 агрегатида экиш билан бирга суғориш эгатлари олиб кетилиб, уруғ суви берилди. Изланишларимиз хар йили кузги буғдой ғўза қатор ораларига экиш учун гектарига 4,5 млн дона (навлар бўйича 180-200 кг/га) унвчан уруғ ҳисоб қилинди.

Эрта бахорги биринчи озиклантириш 120 кг/га (соф холда 55 кг/га) меъерда карбамид ўғити билан суғоришлардан олдин ўтказилди.

Иккинчи озиклантириш 250 кг/га (соф холда 85 кг/га) меъерда аммиакли селитра ўғити билан суғоришлардан олдин ўтказилди.

Учинчи озиклантириш 200 кг/га (соф холда 68 кг/га) меъерда аммиакли селитра ўғити билан суғоришлардан олдин ўтказилди. Кузги буғдойнинг бошоқлаш даврида илдиздан ташқари баргидан озиклантириш мақсадида 15 кг/га (соф холда 6.8 кг/га) меъерда карбамид ўғитни 300 л/га аралаштириб кўл аппаратида пуркалди. Бу агротехник тадбир ҳам белгиланган тупроқ намликларида суғоришлардан олдин амалга оширилди.

Минерал ўғитларнинг ушбу нисбатлари Р.Сиддиқов ва И.Эгамов (“Ўзбекистонда экишга тавсия этилган кузги буғдой, дуккакли дон экинларининг маҳаллий ва хорижий навлари ҳамда уларни парваришлаш” бўйича тавсиялар Андижон-2019 йил. 49-52 бетлар) ва А.Амановнинг (“Ғалла экинлари”, Тошкент. 2019 йил. 120-134 бетлар.) тавсияларига асосан олинган.

Кузги буғдой даласидаги бегона ўтларга қарши курашиш учун Гранстар гербидциди 25 гр/га меъерида ва касалликларига қарши Энталучо 150 гр/га меъерида қўлланилди. Касаллик ва заракунандаларга қарши

иккинчи ишлов беришда Алто супер 300 гр/га ва Энталучо 100 гр/га меъёрида қўлланилди. 1-иловада тажриба олиб борилган йилларда дала тажрибасида ўтказилган агротехник тадбирлар йиллар бўйича келтирилган.

§.2.4.2. Такрорий экилган соя тажриба даласида олиб борилаётган агротехник тадбирлар. (2017-2019 йй)

Андижон вилояти ўтлоқи тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида парваришланган соянинг суғориш тартибларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотларимизда тажриба даласида экиш ишларини июль ойининг биринчи ўн кунлигигача бўлган муддатда бажарилди. МТЗ-82 тракторига тиркалган НРУ-05 ўғитлагичида фосфорли 300 кг (соф ҳолатда – 54 кг P_2O_5 суперфосфат-18%) ва калийли 75 кг (соф ҳолатда 45 кг K_2O калий хлорид-60%) ўғитлар ерга солинди ва CLASS ARES 697 ATZ хайдов тракторига тиркалган ПОН 5.35 плугда 28-30 см чуқурликда шудгорланди. Экишдан олдин тажриба даласи сифатли қилиб текисланиб, экилди ва ТТЗ-80.11 га тиркалган КРХ-4 агрегатида суғориш эгатлари олинди.

Тажриба даласида суғоришлардан олдин 3 марта қатор орасига ишлов берилди ва 1 марта ўғитлаш ўтказилди. Иккинчи ишлов суғоришлардан олдин ўғитлаш (карбамид 150 кг/га соф холда 46 кг/га ва фосфор 100 кг/га суперфосфат-18% соф холда 18 кг/га) билан биргаликда ўтказилди. Тажриба даласида суғоришлар иш дастури асосида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65, 70-75-65, 75-80-70% тартибларда олиб борилди. 2-иловада тажриба олиб борилган йилларда дала тажрибасида ўтказилган агротехник тадбирлар йиллар бўйича келтирилган.

III БОБ. ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

§.3.1.Тупроқнинг морфологик таърифи ва механик таркиби.

Тадқиқотлар олиб борилган дала тупроқ шароитлари бўйича ўтлоқи тупроқдир. Таҷриба даласи тупроғи икки нуқтадан 1,6 метргача қовланиб, морфологик тузилиши таърифланди:

A₁ 0-30 см – устки қатлам, бўз рангда, тупроқнинг юзаси қуруқ пастга томон намлик ортиб борган, кам зичлашган, оғир қумоқ, ўсимлик илдизлари ва ҳашорот излари учрайди, кейинги қатламга ўтиши механик таркиби ва зичлигига кўра,.


A₂ 30-50 см – устки қатлам, бўз рангда, нам, зичлашган, ўрта қумоқ, ўсимлик илдизлари ва ҳашорот излари учрайди, кейинги қатламга ўтиши механик таркиби ва зичлигига кўра,.

B₁ 50-70 см – ўтувчи қатлам, оч бўз рангда, **A₂** қатламга нисбатан намлик юқори, зичлашган, ўрта қумоқ, илдизлар ва майда ҳашоротларнинг излари учрайди, кейинги қатламга ўтиши механик таркиби, зичлиги ва рангига кўра,.


B₂ 70-100 см – ўтувчи қатлам, оч бўз рангда, юқори қатламларга нисбатан намлик юқори, ўрта қумоқ, майда ҳашоротларнинг излари учрайди, кейинги қатламга ўтиши механик таркиби рангига кўра,.

B₃ 100-150 см – ўтувчи қатлам, оч бўз рангда, намлик юқори, ўрта қумоқли, зичлашган, майда ҳашоротларнинг излари кам учрайди, сизоб сувлари сатҳи бошланиши, кейинги қатламга ранги, зичлиги бўйича ўтиши сезиларли.

C₁ 150-165 см – тупроқ ости қатлам, оч бўз рангда, намлик юқори, ўрта қумоқли, зичлашган, сизоб сувлари сатҳи анча сезиларли, кейинги қатламларга зичлиги, ранги бўйича ўтиши кузатилди.



3.1-расм. Кузги буғдой тажриба даласи тупроғининг механик таркиби, %



3.2-расм. Такрорий экин сифатидда парваришланган соя тажриба даласи тупроғининг механик таркиби, %

§.3.2. Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соя етиштиришда тупроқнинг агрокимёвий хусусиятлари.

«Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг янги навларини суғориш тартибларини ўрганиш» мавзусидаги олиб борилган илмий тадқиқотларимиз уч йил мобайнида, бир далада олиб борилиши таъминланди. Дала тажрибаларини олиб боришда амал даври боши ва охирида тупроқ намуналари олиниб, агрокимёвий тахлиллар олиб борилди.

Амал даври бошида тажриба майдонининг 5 та нуқтасидан 0-30 ва 30-50 см чуқурликда тупроқ намуналари махсус бурда олиниб, лабораторияда тахлиллар амалга оширилди. (3.1-3.2-жадвал)

Кузги буғдой тажриба даласида умумий чиринди миқдори 2017 йилда 0-30 смли қатламда 0,982% ни ташкил қилган бўлса, кейинги йиллари 2018 йилда 0,93% ва 2019 йилда 0,90% ни ташкил этиб, чиринди миқдори йиллар давомида камайгани аниқланди, бу ўсимликларни озика унсурларини ўзлаштириши билан боғлиқдир. Умумий шаклдаги азот, фосфор ва калий ҳам бир оз камайгани кузатилди.

Тажриба даласи тупроқлари гумус билан ўртача, ҳаракатчан азот билан жуда кам, фосфор ва калий билан кам даражада таъминланганлиги аниқланди. Бу тупроқларда экинлардан юқори ҳосил етиштириш учун юқори миқдордаги азот, фосфор ва калийли ўғитлар қўллаш талаб этилади.

Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг тажриба даласида умумий чиринди миқдори 2017 йилда 0-30 смли қатламда 0,80% ни ташкил қилган бўлса, кейинги йиллари 2018 йилда 0,84% ва 2019 йилда 0,92% ни ташкил этиб, чиринди миқдори йиллар давомида ортиб борганлиги аниқланди, Умумий шаклдаги азот, фосфор ва калий ҳам бир оз ортганлиги кузатилди.

Тажриба даласи тупроқлари гумус билан ўртача, ҳаракатчан азот билан кам, фосфор ва калий эса кам даража таъминланганлиги аниқланди. Бу тупроқларда экинлардан юқори ҳосил етиштириш учун юқори миқдордаги азот, фосфор ва калийли ўғитлар қўллаш талаб этилади.

3.1-жадвал

Кузги буғдой тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий кўрсаткичлари.

№	Намуна олинган қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	Умумий, %		Ҳаракатчан, мг/кг		
			Азот	Фосфор	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
1.	0-30	0,982	0,095	0,152	17,40	19,13	210
2.	30-50	0,686	0,066	0,084	9,67	7,85	175

3.2-жадвал

Такрорий экин сифатида парваришланган соя тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий кўрсаткичлари.

№	Намуна олинган қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	Умумий, %		Ҳаракатчан, мг/кг		
			Азот	Фосфор	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
1.	0-30	0,800	0,074	0,105	14,46	18,31	200
2.	30-50	0,621	0,057	0,081	7,23	6,21	187

§.3.3.Суғориш тартибларини тупроқнинг ҳажм массасига таъсири.

Тупроқнинг ҳажм массаси ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва юқори ва сифатли ҳосил шакллантириши учун катта аҳамиятга эга бўлган тупроқнинг физик хусусияти ҳисобланади. Табиий ҳолати сақланган ҳолда олинган, маълум ҳажмдаги тупроқ оғирлигига унинг ҳажмий массаси дейилади ва куруқ тупроқ оғирлигига нисбатан г/см³ ёки т/м³ билан ифодаланади. Дала тажрибалари олиб борилган йиллари кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соянинг турли суғориш тартибларининг тупроқни ҳажм массасига таъсири ўрганилди. Бунинг учун амал даврининг бошида умумий фонда экишдан олдин тупроқнинг ҳар 10 см ли қатламида, 100 см чуқурликгача далада белгиланган 5 та нуқталарда

тувроқ намуналари олинди, амал даври охирида эса суғориш вариантларининг юқорида белгиланган қатламлар бўйича 3 та нақтада тувроқни ҳажм массаси аниқланди.


Тупроқ ҳажм массасини аниқлаш учун белгиланган қатламлардан тувроқ намуналари махсус, ҳажми маълум бўлган цилиндрда олиб лабораторияга олиб келинди. Тупроқнинг ҳажм массаси куруқ тувроққа нисбатан бўлганлиги учун аввал тувроқнинг намлигини аниқлаб олинди ва тувроқнинг соф, куруқ оғирлигини цилиндр ҳажмига бўлиб, қуйидаги формула орқали ҳажм массасини ҳисобланди.

$$d = \frac{P}{V}$$


Бу ерда: **d** – тувроқнинг ҳажм массаси, **P** – цилиндрдаги тувроқнинг соф оғирлиги, г ҳисобида, **V** – цилиндрнинг ҳажми, см³ ҳисобида.

Кузги буғдой. Кузги буғдой тажриба даласида 2017 йилда тувроқнинг ҳажм массаси мавсум бошидагига нисбатан мавсум охирида 0-50, 0-70 ва 0-100 см қатламларда суғориш олди тувроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70% тартибида 0,025, 0,025, 0,023, г/см³, суғориш олди тувроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75% тартибида 0,055, 0,049, 0,043 г/см³, суғориш олди тувроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-80% тартибида 0,079, 0,071, 0,064 г/см³ га ошганлиги аниқланди. (3.1-расм),(3-илова).

Такрорий экин сифатида парваришланган соя. Соя тажриба даласида 2017 йилда тувроқнинг ҳажм массаси мавсум бошидагига нисбатан мавсум охирида 0-50, 0-70 ва 0-100 см қатламларда суғориш олди тувроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65% тартибида 0,027, 0,021, 0,010 г/см³, суғориш олди тувроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибида 0,046, 0,046, 0,027 г/см³, суғориш олди тувроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тартибида 0,067, 0,067, 0,049 г/см³ га ошганлиги аниқланди. (3.2-расм), (4-илова).



3.3-расм. Кузги буғдой тажриба даласининг амал даври боши ва охиридаги тупроқнинг хажм массаси, г/см³, 2017-2018 йй,



3.4-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг амал даври боши ва охирида тупроқнинг хажм оғирлиги, г/см³, 2017-йил

Тажрибалар олиб борилган йиллар бўйича ўрганилган иккала экин турида ҳам тупроқнинг хажм массаси белгиланган суғориш тартиблари таъсирида ортанлиги кузатилди.

§.3.4.Тажриба даласи тупроғининг ғоваклиги.


Тупроқ таркибидаги барча бўшлиқлар йиғиндиси тупроқнинг ғоваклиги дейилади. Кўпчилик тупроқларда ғоваклик 40 – 50 % атрофида бўлади.

Ғоваклик фоиз (%) билан ифодаланади ва куйидаги формула билан ҳисобланиди.


$$P = 100 - \frac{d * 100}{2,7}$$

P-тупроқнинг ғоваклиги, фоиз ҳисобида, **2,7** – тупроқнинг солиштирма массаси, **d** – тупроқнинг ҳажм массаси.

Кузги буғдой. Кузги буғдой тажриба даласида 2017-2020 йилларда тупроқнинг ғоваклиги мавсум бошидагига нисбатан мавсум охирида 0-50, 0-70 ва 0-100 см қатламларда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70% тартибида 1,05, 1,01, 0,98 %, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-75% тартибида 2,14, 1,91, 1,73 %, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-80% тартибида 3,00, 2,70, 2,49 % га камайганлиги аниқланди. (3.3-расм), (5-илова).



3.5-расм. Кузги буғдой амал даври боши ва охирида тупроқнинг ғоваклиги, %, 2017-2018 йй, ўртача



3.6-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг амал даври боши ва охирида тупроқнинг ғоваклиги, %, 2017йил

Такрорий экин сифатида парваришланган соя. Соя тажриба даласида 2017-2020 йилларда тупроқнинг ғоваклиги мавсум бошидагига нисбатан мавсум охирида 0-50, 0-70 ва 0-100 см қатламларда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65% тартибида 1,44, 0,99, 0,72 %, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибида 2,16, 1,91, 1,32 %, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-80-70% тартибида 2,94, 2,68, 2,16 % га камайганлиги аниқланди. (3.4-расм ва 6-илова).

Тажрибалар олиб борилган йиллар бўйича ўрганилган иккала экин турида ҳам тупроқнинг ғоваклик кўрсаткичи белгиланган суғориш тартиблари таъсирида камайганлиги кузатилди.

§.3.5.Тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлик хоссаси энг мухим сув хоссаларидан биридир. Сув ўтказувчанлик икки босқичдан тупроққа сувнинг шимилиш ва филтрланишдан иборат бўлиб, биринчи навбатда сув тупроққа шимилади, сўнгра сув тупроқ қатламининг пастки қисмига сизиб ўтади. Тупроққа шимилган сувнинг маълум қисми ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади, бир қисми тупроқ орқали буғланишга ортиқча қисми эса оқава сув

кўринишида даладан чиқиб кетади. Тупроқнинг сувни қабул қилиб олиши ва ўзи орқали юқоридан пастга қараб ўтказиш хоссаси сув ўтказувчанлик хоссаси хисобланади. Сув ўтказувчанлик тупроқнинг маълум майдони юзасидан муайян вақтда сингиб ўтадиган сув хажми билан ўлчанади ва одатда мм/соат билан ифодаланади. Сув ўтказувчанлик тупроқнинг умумий ғоваклиги ва унинг ўлчамига боғлиқ. Масалан, енгил механик таркибли тупроқларда йирик ковакликлар кўп бўлганидан, сув ўтказувчанлик ҳам доимо юқоридир. Қумоқ ва соз тупроқларда коваклик миқдори ва унинг ўлчами тупроқнинг структура ҳолатига боғлиқ. Сувга чидамли бўлган увокли структурали ана ундай тупроқларда ҳам сув ўтказувчанлик юқори бўлади. Оғир механик таркибли ва кесакли чангли структурали тупроқларда сув ўтказувчанлик паст.

Дала тажрибаларимизда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги амал даври бошида ва охирида аниқланди. Амал даври бошида тажриба даласининг 5 та нуқтасида, амал даври охирида эса хар бир суғориш вариантынинг 3 та нуқтасида аниқланди. Бунинг учун металдан ясалган думалоқ диаметри 15см, баландлиги 30см бўлган халқаларни тупроққа 10 см чуқурликка ўрнатилди. Сўнг унинг атрофини баландлиги 30см, диаметри 30см бўлган халқа билан юқоридагидек жойлаштирилади. Бу иккинчи халқа сувни тупроққа вертикал сингишига ёрдам бериши учун ўрнатилди. Иккала халқага 5см қалинликда сув қуйилди. Сув босимини таъминлаш учун доимий 5см сув қалинлиги ушлаб турилди. Доимий қуйилаётган сув ўлчаб турилди. Сарфланаётган сув ички халқада аниқлаб борилди. Бу кузатишлар сув сарфланишининг бир хил кўрсаткичлари олинганлигига қадар давом эттирилди ва ўлчовларнинг вақт оралиғидаги сув ўтказувчанлигини қуйидаги формула билан аниқланди.

$$V = \frac{10 \cdot Q}{S \cdot t}$$

Бу ерда: **V**-шимилиш ва филтрланиш тезлиги, мл/мин; **Q**-сув сарфи, мм; **S**-ички ром (халқа)нинг майдони, см²; **t**-тажриба вақти, мин.

Дала тажрибаларида ўрганилган иккала экин турида ҳам тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилятини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб


борилди. Олинган натижаларга караганда, амал даврини бошига нисбатан барча вариантларда тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилияти камайиб борганлиги аниқланди.

Кузги буғдой. Кузги буғдой тажриба даласида 2017 йилда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги мавсум бошида 6 соат мобайнида 951,9 м³/га тенг бўлди, ўртача 1 соатда 158,7 м³/га тенг бўлганлиги кузатилди. Мавсум охирига келиб, суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-70% белгиланган вариантларда тегишлича 842,9 м³/га, 140,5 м³/га, суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-75 % белгиланган вариантларда 803,1 м³/га, 133,9 м³/га, суғориш олди тупроқ намлиги 80-80-80 % белгиланган вариантларда 741,0 м³/га, 123,5 м³/га тенг бўлганлиги кузатилди. (3.5-расм, 7-илова).


Такрорий экин сифатида парваришланган соя. Соя тажриба даласида 2017 йилда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги мавсум бошида 6 соат мобайнида 924,9 м³/га тенг бўлиб, ўртача 1 соатда 154,2 м³/га тенг бўлганлиги кузатилди.

Мавсум охирига келиб, суғориш олди тупроқ намлиги 65-70-65% белгиланган вариантларда тегишлича 770,8 м³/га, 128,5 м³/га, суғориш олди тупроқ намлиги 70-75-65 % белгиланган вариантларда 701,2 м³/га, 116,9 м³/га, суғориш олди тупроқ намлиги 75-80-70 % белгиланган вариантларда 662,7 м³/га, 110,5 м³/га тенг бўлганлиги кузатилди. (3.6-расм, 8-илова).

Дала тажрибаларида ўрганилган иккала экин турида тупроқни сув ўтказувчанлик қобилиятини аниқлаш бўйича илмий изланишлар суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда олиб борилди. Олинган маълумотлар асосан, мавсум бошидаги кўрсаткичларни мавсум охирида бирмунча кўпроқ камайганлиги кузатилиб, амал даври бошидагига нисбатан сув ўтказувчанлиги соатлар бўйича камайганлиги аниқланди.



3.7-расм. Кузги бугдой тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги, м³/га, 2017 йил



3.8-расм. Соя тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги, м³/га, 2017 йил

§.3.6.Тажриба далаларининг чекланган дала нам сиғими

ЧНДС - чекланган дала нам сиғими тупроқнинг сув хусусиятларидан энг муҳимидир. Чекланган дала нам сиғими деганда, тупроқда тўпланган ва узок муддат давомида сўриш кучи ҳисобига ушлаб туриладиган энг кўп сув миқдори тушунилади. Бу кўрсаткич тупроқнинг механик ва минералогик таркиби, гумус миқдори, донадорлик ҳолати, ғоваклиги ва зичлигига боғлиқ. Дала нам сиғимини мелиорация ва суғориладиган деҳқончиликдаги аҳамияти каттадир. ЧНДС билгандагина суғориш меъёрларини, шўрни ювиш меъёрларини ва ўта намланган тупроқлар ўзидан сувни қочириш кўрсаткичларини аниқлаш мумкин бўлади.

Бунда:


- тажриба даласини бир хил хусусиятига эга бўлган текис майдони танлаб олиниб, юзаси текисланди ва иккита 3x3м ўлчовда майдончалар тайёрланади.

- тайёрланган майдончаларга 3000 м³/га ҳисобида сув қуйилди.


- қуйилган сув тупроққа тўла шимилиб бўлгандан сўнг майдончалар юзаси сув парланиб кетишини олдини олиш мақсадида сомон ва плёнка билан ёпиб қўйилди.

- кузатув майдончаларидан 3 кундан сўнг тупроқни ҳар 10 см қатлами бўйлаб 100 см чуқурликкача намуналар олинди ва лаборатория шароитида термостат тарози усулида тупроқ намлиги аниқланиб ЧДНС аниқланди.

Кузги буғдой тажриба даласидан олинган маълумотларини таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, 2017; 2018 ва 2019 йилларда тупроқнинг 0 – 100 см ли қатламидаги чегараланган нам сиғим тегишлича 21,2; 20,3 ва 20,8% га, такрорий экин сифатида парваришланган соя тажриба даласи эса 21,2; 20,3 ва 20,8 % га тўғри келганлиги кузатилди. (3.7-3-8 расм)



3.9-расм. Кузги бугдой тажриба даласининг чекланган дала нам сифими 2017-2019йй



3.10-расм. Такрорий экин сифатида парваришланган соя тажриба даласининг чекланган дала нам сифими 2017-2019 йй

IV БОБ. КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ПАРВАРИШЛАНГАН СОЯ НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ТАРТИБИ ВА ДАЛАНИНГ СУВ МУВОЗАНАТИ.

§.4.1. Кузги буғдой навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги.

Суғориладиган дехқончилик шароитида экинлардан олинадиган юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг биринчи шарти бу экилган уруғларни бир текисда ундириб олиш ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларимизда уруғлар экилгандан сўнг тупроқ намлик даражаси уруғлар униб чиқишига етарли бўлмаганлиги сабабали, ҳар йили уруғ суви (ўртача 700-750 м³/га) берилди.

2017-2020 йилларда амал даври мобайнида кузги буғдойнинг «Таня», «Вершина», «Калым» ва «Андижон-4» навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70 %, 75-75-75%, 80-80-80% фоиз тартибларида амалга оширилди. (ҳисобий қатлам 0-50, 0-70, 0-50 см).

2017-2020 йиллар давомида олиб борилган тажрибамизда кузги буғдой навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–70% белгиланган 1-вариантларда амал даврида 3 – марта, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–75–75% белгиланган 2-вариантларда 4 – марта ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80–80–80% белгиланган 3 вариантларда 5 – марта суғорилди.

2017-2018 йилларда олиб борилган изланишларимизда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–70% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Таня” навида тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан намлиги 1; 2 ва 3 чи суғоришларда тегишлича 15,6; 15,7 ва 15,6% ни, ЧДНС га нисбатан 68,6; 69,0 ва 68,6% ни, “Вершина” навида тегишлича 15,9; 16,0 ва 15,9% ни, ЧДНС га нисбатан 69,8; 70,2 ва 69,8% ни, “Калым” навида тегишлича 15,9; 16,0 ва 15,9% ни ЧДНС га нисбатан 69,7; 70,1 ва 69,6% ни, “Андижон-4” навида тегишлича 16,0; 16,0 ва 15,9% ни, ЧДНС га нисбатан 70,0; 70,4 ва 69,9% ни ташкил қилди. (4.1-расм)


Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–75–75% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Таня” навида тупроқнинг курук вазнига нисбатан намлиги 1; 2; 3 ва 4 чи суғоришларда тегишлича 16,7; 16,8; 16,8 ва 16,8% ни, ЧДНС га нисбатан 74,6; 74,9; 75,0 ва 74,7% ни, “Вершина” навида тегишлича 17,0; 17,1; 17,1 ва 17,0% ни, ЧДНС га нисбатан 74,5; 74,8; 74,9 ва 74,6% ни, “Калым” навида тегишлича 17,0; 17,0; 17,1 ва 17,0% ни, ЧДНС га нисбатан 74,5; 74,8; 74,9 ва 74,6% ни, “Андижон-4” навида тегишлича 17,0; 17,1; 17,1 ва 17,1% ни, ЧДНС га нисбатан 74,8; 75,1; 75,2 ва 74,9% ни ташкил қилди. (4.2-расм)

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80–80–80% белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг “Таня” навида тупроқнинг курук вазнига нисбатан намлиги 1; 2; 3; 4 ва 5 чи суғоришларда тегишлича 18,1; 17,9; 18,0; 17,7 ва 18,1% ни, ЧДНС га нисбатан 79,3; 78,4; 79,0; 77,7 ва 79,3% ни, “Вершина” навида тегишлича 18,4; 18,1; 18,3; 18,0 ва 18,4% ни, ЧДНС га нисбатан 80,5; 79,6; 80,2; 78,9 ва 80,5% ни, “Калым” навида тегишлича 18,3; 18,1; 18,3; 18,0 ва 18,3% ни, ЧДНС га нисбатан 80,4; 79,5; 80,1; 78,8 ва 80,4% ни, “Андижон-4” навида тегишлича 18,4; 18,2; 18,3; 18,0 ва 18,4% ни, ЧДНС га нисбатан 80,7; 79,8; 80,4; 79,1 ва 80,7% ни ташкил қилди. (4.3-расм)

2017-2020 йиллар давомида олиб борилган илмий изланишларимизда тупроқнинг ЧДНС га нисбатан намлик кўрсаткичлари дастурда белгиланган намлик кўрсаткичларидан $\pm 1-1,5$ % атрофида фарқланди.

Кузги буғдой тупроқ намлигининг тупроқ курук вазнига нисбатан ва ЧДНС га нисбатан кўрсаткичлари навлар ва 2018-2019 хамда 2019-2020 йиллар бўйича 9-10-11-12 иловаларда келтирилган.

4.1, 4.2, 4.3-расмлар. Кузги буғдойнинг суғориш олдидан тупроқ намлиги, 2017-2018 йй



§.4.2. Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги.

2017-2019 йиллар давомида такрорий экин сифатида парваришланган соя тажриба даласининг 3 та суғориш вариантларида ҳам соя навлари ишчи дастурда белгиланган суғориш тартибларида суғорилди.



Тупроқнинг ҳақиқий намлиги амал даври мобайнида такрорий экин сифатида парваришланган соянинг навлари суғоришнинг ЧДНС га нисбатан 65-70-65 %, 70-75-65%, 75-80-70% фоизли тартибларида амалга оширилди. (хисобий қатлам 0-50, 0-70, 0-50 см).

2017-2020 йиллар давомида олиб борилган тажрибамизда соя навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65–70–65% белгиланган 1-вариантларда амал даврида 3 – марта, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–65% белгиланган 2-вариантларда 4 – марта ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–80–70% белгиланган 3 вариантларда 5 – марта суғорилди.

2017-йил олиб борилган изланишларимизда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65–70–65% белгиланган вариантларда соянинг “Тўмарис” навида тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан намлиги 1; 2 ва 3 чи суғоришларда тегишлича 14,5; 15,1 ва 14,5% ни, ЧДНС га нисбатан 65,7; 68,8 ва 65,7% ни, “Ойжамол” навида тегишлича 14,4; 15,1 ва 14,4% ни, ЧДНС га нисбатан 65,5; 68,6 ва 65,5% ни ташкил қилди. (4.4-расм)

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–65% белгиланган вариантларда кузги соянинг “Тўмарис” навида тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан намлиги 1; 2; 3 ва 4 чи суғоришларда тегишлича 15,2; 16,1; 16,7 ва 14,5% ни, ЧДНС га нисбатан 69,2; 73,0; 75,7 ва 65,7% ни, “Ойжамол” навида тегишлича 15,2; 16,0; 16,6 ва 14,4% ни, ЧДНС га нисбатан 69,1; 72,9; 75,6 ва 65,6% ни ташкил қилди. (4.5-расм)

4.4, 4.5, 4.6 –расмлар. Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг суғориш олдидан тупроқ намлиги, 2017й



Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–80–70% белгиланган вариантларда соянинг “Тўмарис” навида тупроқнинг курук вазнига нисбатан намлиги 1; 2; 3; 4 ва 5 чи суғоришларда тегишлича 16,2; 17,8; 17,5; 15,1 ва 15,6%, ни ЧДНС га нисбатан 73,8; 80,7; 79,2; 68,5 ва 70,7% ни, “Ойжамол” навида тегишлича 16,2; 17,7; 17,4; 15,0 ва 15,5% ни, ЧДНС га нисбатан 73,6; 80,5; 79,2; 68,3 ва 70,5% ни ташкил қилди. (4.6-расм)

2017-2019 йиллар давомида олиб борилган илмий изланишларимизда ҳам тупроқнинг ЧДНС га нисбатан намлик кўрсаткичлари дастурда белгиланган намлик кўрсаткичларидан $\pm 1-1,5$ % атрофида фарқланди. 4.2-жадвалда йиллар бўйича соя навлари ўртасида олинган тупроқ намлигининг тупроқ курук вазнига нисбатан ва ЧДНС га нисбатан ўртача кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, навлар бўйича юқоридаги кўрсаткичларнинг олинган натижалари 13-14 иловаларда келтирилган.

§.4.3. Кузги буғдой ва такрорий экиладиган соя навларини суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрлари.

Сувга бўлган талабига қараб, кузги буғдой ўсиш ва ривожланиш даврлари 3 даврга бўлинади, улар униб чиқиш-найчалаш, найчалаш-бошоқлаш, бошоқлаш-пишиш даврларидир. Соя ҳам ўз навбатида униб чиқиш-гуллаш, гуллаш-дуккаклаш, дуккаклаш-пишиш даврлари ўтади.

Кузги буғдой ва соянинг ўсиш ва ривожланиш даврларининг меъёрида ва ўз вақтида ўтиши, етиштирилган махсулотнинг сифати суғориш тартибларига боғлиқ. Кузги буғдой ва соянинг суғориш муддатлари ва меъёрларини тўғри белгилаш ва суғоришларнинг ўз вақтида сифатли қилиб олиб бориш, юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосидир.

Дала тажрибасида кузги буғдой ва такрорий экиладиган соянинг суғориш меъёри тупроқ намлиги бўйича белгиланди. Ҳар бир суғоришдан олдин олинган хисобий қатлам кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган сояда 0-50 см, 0-70 см, 0-50 см чуқурликкача намуналар олиниб, термостат тарози усули ёрдамида аниқланди. Ҳар бир суғоришга

кетган сув сарфи киришда Чипполетти (50 см) чиқишда Чипполетти (25 см) ва хар бир вариантга кетган сув эса Томсон сув ўлчагичлари ёрдамида ўлчаб борилди.

Бизни изланишларимизда суғориш меъёрлари А.Н.Костяков (1960) формуласи асосида ҳисобланди:

$$M = 100 \cdot h \cdot a(\beta - \alpha)$$

Бу ерда: **M** – суғориш меъёри, м³/га, **h** – ҳисобий қатлам, см, **a** – тупроқнинг хажм массаси, гр/см³, **β** – дала нам сифими, %, **α** – суғоришдан олдинги тупроқ намлиги, %.

Суғориш муддатлари, меъёрлар ва мавсумий суғориш меъёрлари суғоришдан олдинги тупроқ намлигига қараб амалга оширилди. Кузги буғдой навлари суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-70%, 75-75-75%, 80-80-80% белгиланган вариантларда, такрорий экин сифатида парваришланган соя эса 65-70-65%, 70-75-65%, 75-80-70% белгиланган вариантларда ўрганилди.

4.3.1-§ Кузги буғдой навларини суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрлари.

2017-2018 йилги кузги буғдой парваришида суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-70% белгиланган вариантлар 1-1-1 тизимда 3 маротаба суғоришлар ўтказилди. Шу йилги ўртача суғориш меъёри 615 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 1844 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш меъёри найчалашгача 551 м³/га, бошоқлашгача 741 м³/га, пишишгача 551 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-75% белгиланган вариантлар ҳам 1-2-1 тизимда 4 маротаба суғоришлар ўтказилди. Шу йилги ўртача суғориш меъёри 544 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 2175 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш меъёри найчалашгача 464 м³/га, бошоқлашгача 1249 м³/га, пишишгача 462 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги 80-80-80% белгиланган вариантлар ҳам 1-3-1 тизимда 5 маротаба суғоришлар ўтказилди. Шу йилги ўртача суғориш меъёри 449 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 2247 м³/га ни ташкил қилди.

Кузги буғдой навларининг суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари, 2017-2018 йил.

Суғориш олди тупрок намлиги ЧДНС га нисбатан %	Кўрсаткичлар	Суғориш сони ва меъёри, м ³ /га					Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га
		1	2	3	4	5		
70-70-70	Суғориш санаси	24.03	14.04	10.05	-	-	1-1-1	1844
	Суғориш меъёри, м ³ /га	551	741	551	-	-		
	Суғориш вақти, соат-мин.	10 ⁰⁰ -22 ³⁰	11 ⁰⁰ -04 ⁰⁰	09 ⁰⁰ -21 ³⁰	-	-		
	Суғориш давомийлиги, соат-мин	12 ³⁰	17 ⁰⁰	12 ³⁰	-	-		
	Суғоришлар ораси, кун		22	23	-	-		
75-75-75	Суғориш санаси	15.03	09.04	04.05	28.05	-	1-2-1	2175
	Суғориш меъёри, м ³ /га	464	626	623	462	-		
	Суғориш вақти, соат-мин.	11 ⁰⁰ -21 ¹⁰	10 ⁰⁰ -23 ³⁰	10 ⁰⁰ -20 ⁵⁰	10 ⁰⁰ -23 ³⁰	-		
	Суғориш давомийлиги, соат-мин	10 ¹⁰	11 ³⁰	10 ⁵⁰	10 ⁰⁰	-		
	Суғоришлар ораси, кун		21	22	24	-		
80-80-80	Суғориш санаси	09.03	01.04	23.04	14.05	09.06	1-3-1	2247
	Суғориш меъёри, м ³ /га	358	510	495	527	358		
	Суғориш вақти, соат-мин.	11 ⁰⁰ -19 ⁰⁰	10 ⁰⁰ -21 ⁰⁰	09 ⁰⁰ -20 ⁰⁰	09 ⁰⁰ -17 ⁰⁰	11 ⁰⁰ -19 ⁰⁰		
	Суғориш давомийлиги, соат-мин	08 ⁰⁰	11 ²⁰	11 ⁰⁰	8 ⁰⁰	08 ⁰⁰		
	Суғоришлар ораси, кун		21	22	20	22		

4.4-жадвал

Кузги буғдой навларининг суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, бир марталиқ ва мавсумий суғориш меъёрлари, 2017-2020 йй

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан %	Йиллар	Суғориш тизими	Суғориш меъёри, м ³ /га			Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	3 йиллик ўртача суғориш меъёри, м ³ /га
			Найчалашгача	Бошоқлашгача	Пишишгача		
70-70-70	2018	1-1-1	551	741	551	1844	1852
	2019	1-1-1	545	741	542	1829	
	2020	1-1-1	559	759	564	1882	
	Ўртача	1-1-1	552	747	553	1852	
75-75-75	2018	1-2-1	464	1249	462	2175	2187
	2019	1-2-1	459	1261	467	2186	
	2020	1-2-1	466	1271	464	2200	
	Ўртача	1-2-1	463	1260	464	2187	
80-80-80	2018	1-3-1	358	1532	358	2247	2253
	2019	1-3-1	352	1495	362	2209	
	2020	1-3-1	351	1576	377	2303	
	Ўртача	1-3-1	354	1534	365	2253	

Суғориш меъёри найчалашгача 358 м³/га, бошоқлашгача 1532 м³/га, пишишгача 358 м³/га ни ташкил қилди. 2018-2019, 2019-2020 йилларда кузги буғдой навларини суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрлари навлар бўйича маълумотлар 15-16-17-18-19-20-21-22-23-24-25-26- иловаларда, йиллар бўйича ўртачаси 29-30-31-32 иловаларда келтирилган.

4.3.2-§ Такрорий экиладиган соя навларини суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрлари.

2017 йил такрорий экин сифатида парваришланган соянинг суғориш олди тупроқ намлиги 65-70-65% белгиланган вариантлар 1-1-1 тизимда 3 маротаба суғоришлар ўтказилди. Шу йилги ўртача суғориш меъёри 597 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 1792 м³/га ни ташкил қилди. Ўсимликнинг гуллашгача даврида 548 м³/га, дуккаклашгача 696 м³/га, пишишгача 548 м³/га меъёрда суғоришлар ўтказилди. Суғориш олди тупроқ намлиги 70-75-65% белгиланган вариантлар ҳам 1-2-1 тизимда 4 маротаба суғоришлар ўтказилди. Шу йилги ўртача суғориш меъёри 549 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 2196 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш меъёри гуллашгача 497 м³/га, дуккаклашда 1149 м³/га, пишишгача 550 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги 75-80-70% белгиланган вариантлар ҳам 1-2-2 тизимда 5 маротаба суғоришлар ўтказилди. Шу йилги ўртача суғориш меъёри 463 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 2312 м³/га ни ташкил қилди. Суғориш меъёри гуллашгача 418 м³/га, дуккаклашда 898 м³/га, пишишгача 996 м³/га ни ташкил қилди. (4.5-4.6-жадваллар)

Такрорий экин сифатида парваришланган сояни янги навларини суғориш тартибларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий изланиш натижаларига кўра, суғориш олди тупроқ намлиги 65-70-65% дан 70-75-65%, 75-80-70% га ортиб бориши билан суғориш меъёри, суғориш вақти, суғоришлар орасидаги муддатлар камайиб борди.

Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг Тўмарис ва Ойжамол навларини амал давридаги ва мавсумий суғориш меъёрлари. 2017 йил

Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғориш сони ва меъёри, м ³ /га 2017 йил					Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га
		1	2	3	4	5		
65-70-65	Суғориш санаси	07.08	25.08	17.09			1-1-1	1792
	Суғориш меъёри, м ³ /га	548	696	548				
	Суғориш вақти, соат-мин.	07 ⁰⁰ -23 ¹⁰	08 ⁰⁰ -21 ³⁵	08 ⁰⁰ -22 ⁰⁰				
	Суғориш давомийлиги, соат-мин	16 ⁰⁰	13 ³⁵	15 ⁰⁰				
	Суғоришлар ораси, кун		17	22				
70-75-65	Суғориш санаси	30.07	17.08	01.09	19.09		1-2-1	2196
	Суғориш меъёри, м ³ /га	497	605	544	550			
	Суғориш вақти, соат-мин.	09 ⁰⁰ -20 ⁴⁰	08 ⁰⁰ -22 ⁰⁰	07 ⁰⁰ -20 ³⁰	08 ⁰⁰ -22 ⁰⁰			
	Суғориш давомийлиги, соат-мин	11 ⁴⁰	14 ⁰⁰	13 ³⁰	14 ⁰⁰			
	Суғоришлар ораси, кун		17	13	18			
75-80-70	Суғориш санаси	26.07	07.08	20.08	08.09	29.09	1-2-2	2312
	Суғориш меъёри, м ³ /га	418	434	464	498	498		
	Суғориш вақти, соат-мин.	09 ⁰⁰ -21 ⁰⁰	11 ⁰⁰ -22 ⁰⁰	08 ³⁰ -18 ³⁰	06 ⁰⁰ -17 ³⁰	09 ⁰⁰ -20 ⁰⁰		
	Суғориш давомийлиги, соат-мин	10 ⁰⁰	11 ⁰⁰	10 ⁴⁰	11 ³⁰	11 ⁰⁰		
	Суғоришлар ораси, кун		11	13	18	20		

**Такрорий экин сифатида парваришланган соя навларининг суғориш муддатлари, сони, тизими,
давомийлиги, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари, 2017-2019 йй**

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан %	Йиллар	Суғориш тизими	Суғориш меъёри, м ³ /га			Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	3 йиллик ўртача суғориш меъёри, м ³ /га
			Гуллашгача	Дуккаклашгача	Пишиш		
65-70-65	2017	1-1-1	548	696	548	1792	1758
	2018	1-1-1	538	654	546	1738	
	2019	1-1-1	543	657	546	1745	
	Ўртача	1-1-1	543	669	547	1758	
70-75-65	2017	1-2-1	497	1149	550	2196	2139
	2018	1-2-1	463	1098	537	2098	
	2019	1-2-1	473	1098	551	2122	
	Ўртача	1-2-1	478	1115	546	2139	
75-80-70	2017	1-2-2	418	898	996	2312	2247
	2018	1-2-2	394	876	935	2205	
	2019	1-2-2	394	882	947	2224	
	Ўртача	1-2-2	402	885	959	2247	

Соя навларининг суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари бўйича олинган ўртача кўрсаткичлар йиллар ва навлар бўйича олинган натижалар 33-34-35-36-37-38-39-40 иловаларда келтирилган.

§4.4. Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида парваришланган соя тажриба далаларининг сув мувозанати.

Тажриба олиб борилган йиллари тажриба даласига кирган ва чиққан сувлар назоратга олинди. Сув мувозанати ўсимликнинг амал даври давомида бериладиган сув меъерининг кирим ва сарф қисмларидан иборат. Даланинг сув мувозанатини кирим қисмини суғоришга ишлатилган сув меъери, амал давридаги ёғингарчиликлар, сизот сувлари ташкил этади. Даланинг сув мувозанатини сарф қисмини эса амал даври давомида тупроқ юзасидан сувнинг буғланиши, ўсимликлар томонидан транспирацияга сарфланган сув, меъеридан кўп суғориш натижасида тупроқнинг пастки қатламларига синган сувлар, суғориш сувларининг бошқа майдонларга оқиб кетиши ва амал даврида ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган сувлар ташкил қилади.

Тажриба олиб борилган йиллари тажриба даласининг сув сарфининг кирим қисмини ўрганиш учун амал даври боши ва охирида тажриба даласи тупроғининг 0-170 см гача бўлган қатламидан намлик захирасини аниқлаш учун намуналар олинди, амал даври давомидаги ёғингарчиликлар ва суғориш учун ишлатилган мавсумий суғориш меъёрлари аниқланди. Қуйидаги формула билан сув сарфининг кирим қисми ўрганилди.

$$E = N_H - W_K + O + M_O$$

Бу ерда: **E**-тажриба даласининг умумий сув сарфи, м³/га; **N_H**-0-170 см тупроқ қатламида амал даври бошида намлик захираси, м³/га; **W_K**- 0-170 см тупроқ қатламида амал даври охирида намлик захираси, м³/га; **O**-амал давридаги ёғингарчиликлар йиғиндиси, м³/га; **M_O**-мавсумий суғориш меъери, м³/га;

Тадқиқотларимиз давомида кузги буғдой ва соянинг тажриба далаларида сув мувозанати навлар ва суғориш тартибларида алоҳида ўрганилди.

Кузги буғдой. Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда сув сарфи бўйича олинган 2017-2018 йиллар амал даври боши ва охирида олинган таҳлил натижалари 4.11-жадвалда келтирилган. Таъкидлаш керакки, ўсимликларни (буғдой ва сояда) суғориш олди тупроқ намликлари ортиб боргани сари тупроқдаги намлик захираларидан фойдаланиши камайиб борганлиги кузатилди.

2017-2018 йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига караганда, кузги буғдойнинг амал даври бошида тажриба даласи намлик захираси 3820 м³/га ни ташкил қилди. Амал даври охирига келиб, кузги буғдойнинг “ТАНЯ” н.т нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3650 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 170,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 4,4 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 46,2 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 49,3 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 3850 м³/га га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 59,4 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 64,8 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган солиштира сув сафи 32,0 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3720 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 100,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 2,4 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 43,1 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 54,5 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 4134 м³/га га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 65,3 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги

буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори $63,3 \text{ м}^3/\text{ц}$ ни, 1 ц донга сарфланган солиштира сув сарфи $34,5 \text{ м}^3/\text{ц}$ ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб $3755 \text{ м}^3/\text{га}$ камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши $65,0 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 1,6 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёгингарчиликнинг улуши 42,5 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 56,0 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи $4193 \text{ м}^3/\text{га}$ га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили $62,9 \text{ ц}/\text{га}$ ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган солиштира сув сарфи $37,3 \text{ м}^3/\text{ц}$ ни ташкил этди.

Кузги буғдойнинг “ВЕРШИНА” нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб $3630 \text{ м}^3/\text{га}$ камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши $190,0 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 5,0 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёгингарчиликнинг улуши 46,9 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 48,1 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи $3797 \text{ м}^3/\text{га}$ га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили $66,0 \text{ ц}/\text{га}$ ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори $57,5 \text{ м}^3/\text{ц}$ ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори $27,7 \text{ м}^3/\text{ц}$ ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб $3720 \text{ м}^3/\text{га}$ камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши $100,0 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 2,5 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёгингарчиликнинг улуши 44,2 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 53,4 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи $4031 \text{ м}^3/\text{га}$ га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили $69,0 \text{ ц}/\text{га}$ ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон

ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 58,4 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори, 31,2 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3755 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 65,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 1,6 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 43,8 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 54,6 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 4061 м³/га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 67,5 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 60,2 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 32,8 м³/ц ни ташкил этди.

Кузги буғдойнинг “КАЛЫМ” нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3630 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 190,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 5,0 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 46,8 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 48,2 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 3804 м³/га га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 65,3 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 58,3 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 28,1 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3720 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 100,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 2,5 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 44,1 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 53,5 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 4041 м³/га тенг бўлди. Етиштирилган

кузги буғдой дон ҳосили 69,1 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 58,5 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 31,3 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3755 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 65,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 1,6 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 43,7 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 54,7 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 4074 м³/га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 66,4 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 61,4 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 33,6 м³/ц ни ташкил этди.

Кузги буғдойнинг “АНДИЖОН-4” нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3630 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 190,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 5,0 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 47,0 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 48,0 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 3786 м³/га га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 62,4 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 60,7 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 29,1 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3710 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 110,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 2,7 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 44,2 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 53,0 % ни

ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 4026 м³/га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 67,4 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 59,7 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 31,7 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3755 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 65,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 1,6 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 44,1 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 54,3 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 4041 м³/га тенг бўлди. Етиштирилган кузги буғдой дон ҳосили 64,1 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц кузги буғдой дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 63,0 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 34,2 м³/ц ни ташкил этди (4.11-жадвал).

Олиб борилган тажриба натижаларига қараганда, кузги буғдойнинг амал даври бошига нисбатан амал даври охирида тупроқнинг намлик захираси барча вариантларда камайганлиги кузатилди. (4.1-расм) Тупроқдаги намлик захирасидан фойдаланиш (навлар бўйича ўртача 2019 йил) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70% белгиланган вариантларда юқори бўлганлиги кузатилиб, 170 м³/га ни ташкил қилди. Тупроқдаги намлик захирасидан фойдаланиш суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80% белгиланган вариантларда эса энг кам бўлганлиги кузатилди 65,0 м³/га.

Кузги буғдойнинг ўрганилган навларининг 1ц дон ҳосили тўплаш учун кетган энг кам сув сарфи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75% белгиланган вариантда кузатилди. 2018-2019 ва 2019-2020 йилларда олинган натижалар 41-42 иловаларда келтирилган.

Такрорий экин сифатида парваришланган соя. Соя навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда 1ц дон ҳосили тўплаш учун кетган сув

сарфи бўйича олинган кузатув натижалари йиллар бўйича 4.12- жадвалда келтирилган.

2017 йилда олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига караганда, такрорий экин сифатида парваришланган соянинг амал даври бошида тажриба даласи намлик захираси 3910 м³/га ни ташкил қилди. Амал даври охирига келиб, соянинг “ТЎМАРИС” нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3235 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 675,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 21,0 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 22,3 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 56,7 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 3213 м³/га га тенг бўлди. Етиштирилган соянинг дон ҳосили 19,3 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц соя дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 166,5 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 94,4 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3460 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 450,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 13,3 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 21,2 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 65,5 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 3387 м³/га га тенг бўлди. Етиштирилган соянинг дон ҳосили 27,0 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц соянинг дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 125,4 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 82,2 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3740 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 170,0 м³/га ни ташкил этди. 2018 ва 2019 йилларда олинган натижалар 43-44 иловаларда келтирилган.

Кузги буғдой навларининг 1ц дон ҳосили тўплаш учун кетган сув сарфи, 2017-2018 йил

№	КЎРСАТКИЧЛАР	НАВЛАР											
		ТАНЯ (н.т)			БЕРШИНА			КАЛЫМ			АНДИЖОН-4		
		70-70-70	75-75-75	80-80-80	70-70-70	75-75-75	80-80-80	70-70-70	75-75-75	80-80-80	70-70-70	75-75-75	80-80-80
1	Суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан, %												
2	Амал даври бошидаги сув захира, м ³ /га	3820	3820	3820	3820	3820	3820	3820	3820	3820	3820	3820	3820
3	Амал даври охиридаги сув захира, м ³ /га	3650	3720	3755	3650	3720	3755	3650	3720	3755	3650	3720	3755
4	Тупрокдаги захира сувдан фойдаланиш, м ³ /га	170	100	65	170	100	65	170	100	65	170	100	65
5	Тупрокдаги захира сувдан фойдаланиш, %	4,4	2,4	1,6	4,5	2,5	1,6	4,5	2,5	1,6	4,5	2,5	1,6
6	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	1899	2253	2347	1826	2151	2215	1834	2161	2228	1815	2135	2195
7	Мавсумий суғориш меъёри, %	49,3	54,5	56,0	48,4	53,4	54,6	48,5	53,5	54,7	48,2	53,2	54,3
8	Ёғингарчилик миқдори, м ³ /га	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5	1780,5
9	Ёғингарчилик миқдори, %	46,2	43,1	42,5	47,1	44,2	43,8	47,1	44,1	43,7	47,3	44,3	44,1
10	Жами фойдаланилган сув миқдори, м ³ /га	3850	4134	4193	3777	4031	4061	3784	4041	4074	3766	4016	4041
11	Кузги буғдой ҳосилдорлиги, ц/га	59,4	65,3	62,9	64,1	69,0	67,5	65,3	69,1	66,4	62,4	67,4	64,1
12	Солиштирама сув сарфи, м ³ /га	32,0	34,5	37,3	28,5	31,2	32,8	28,1	31,3	33,6	29,1	31,7	34,2
13	1 ц донга сарфланган умумий сув, м ³ /га	64,8	63,3	66,7	58,9	58,4	60,2	58,0	58,5	61,4	60,4	59,6	63,0

4.12-жадвал

Такрорий экин сифатида парваришланган соя навдарининг 1ц дон ҳосили тўплаш учун кетган сув сарфи, 2017 йил

№	КЎРСАТКИЧЛАР	НАВЛАР					
		ТЎМАРИС			ОЙЖАМОЛ		
		65-70- 65	70-75- 65	75-80- 70	65-70- 65	70-75- 65	75-80- 70
1	Суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан, %						
2	Амал даври бошидаги сув захира, м ³ /га	3910	3910	3910	3910	3910	3910
3	Амал даври охиридаги сув захира, м ³ /га	3235	3460	3740	3235	3460	3740
4	Тупрокдаги захира сувдан фойдаланиш, м ³ /га	675	450	170	675	450	170
5	Тупрокдаги захира сувдан фойдаланиш, %	21,2	13,4	5,3	20,9	13,3	5,3
6	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	1792	2196	2312	1832	2220	2304
7	Мавсумий суғориш меъёри, %	56,3	65,3	72,3	56,8	65,5	72,2
8	Ёғингарчилик миқдори, м ³ /га	717,0	717,0	717,0	717,0	717,0	717,0
9	Ёғингарчилик миқдори, %	22,5	21,3	22,4	22,2	21,2	22,5
10	Жами фойдаланилган сув миқдори, м ³ /га	3184	3363	3199	3224	3387	3191
11	Соя дон ҳосилдорлиги, ц/га	19,3	27,0	22,8	19,6	25,7	22,6
12	Солиштирама сув сарфи, м ³ /га	92,8	81,3	101,4	93,5	86,4	101,9
13	1 ц донга сарфланган умумий сув, м ³ /га	165,0	124,6	140,3	164,5	131,8	141,2

Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 5,3 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 22,5 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 72,2 % ни ташкил этди.

Такрорий экин сифатида парваришланган соянинг “Ойжамол” нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3210 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 700,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 21,5 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 22,1 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 56,4 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 3249 м³/га тенг бўлди. Етиштирилган соянинг дон ҳосили 19,6 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц соя дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 165,8 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 93,5 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3445 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 465,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 13,6 % ни ташкил этганидан далолат беради. Бу вариантда умумий сув сарфидаги ёғингарчиликнинг улуши 21,0 %, умумий сув сарфидаги суғоришнинг улуши эса 65,3 % ни ташкил этди. Сувнинг умумий сарфи 3410 м³/га га тенг бўлди. Етиштирилган соянинг дон ҳосили 25,7 ц/га ни ташкил этиб, 1 ц соянинг дон ҳосилига сарфланган умумий сув миқдори 132,7 м³/ц ни, 1 ц донга сарфланган мавсумий сув миқдори 86,7 м³/ц ни ташкил этди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-70% да суғорилган вариантларда амал даври охирига келиб 3730 м³/га камайди, тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиши 180,0 м³/га ни ташкил этди. Бу эса тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши 5,6 % ни ташкил этганидан далолат беради.

V-БОБ. КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИ.


§.5.1. Кузги буғдой навларининг униб чиқиши, кўчат қалинлиги.

Кузги буғдойни мақбул муддат, меъёрда экиш унинг униб чиқиши, кўчат қалинлиги, ривожланиш даврларининг ўтиши ва ҳосилдорлигига таъсири жуда катталиги кўплаб олимларнинг тажриба натижаларидан маълум.

Экиш муддатларининг кечикиши натижасида кузги буғдойнинг қишга чидамлилиги, ҳосилдорлиги камаяди, 1 гектарга кетадиган уруғ сарфи ортади. 2017-2019 йилларда Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб борилган тажрибаларимизда уруғлар октябр ойининг 10-15 кунларида 4,5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилди. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти олимларининг тавсияларига кўра, уруғ экиш меъёрларини 4,5 млн. дона ва 1000 дона уруғ оғирлиги ва килограммда белгиланиши керак. Уруғ экиш меъёрларини тўғри белгилаш учун уруғларнинг лаборатория шароитида 1000 дона уруғ вазни ва унувчанлиги аниқлаб олинди. Олинган натижаларга қараганда «Таня» навининг лаборатория унувчанлиги 95%, 1000 дона уруғ вазни 45,5 г, экиш меъёри 220 кг/га, навлар бўйича тегишлича «Вершина» нави 98%, 41,0 г, 192 кг/га, «Калым нави» 96%, 40 г, 191 кг/га, «Андижон-4» нави 97% 41,0 г, 194 кг/га ни ташкил қилди. Уруғ экиш меъёрлари дала унувчанлигини ҳисобга олиб белгиланди. Бу олиб борилган лаборатория таҳлиллари ўрганилган навларда тажриба вариантларида бир хилдаги кўчатлар сонига эришиш учун амалга оширилди. Бу ўз навбатида белгиланган суғориш тартибларининг тўғри белгиланишига шароит яратиб берувчи омилларнинг бири бўлиб хизмат қилди.

Тажрибаларимизда кузги буғдойнинг ўрганилган навлари бир хил муддатда экилди ва уруғ суви меъёрлари ҳам бир хил меъёрда белгиланди. Кузги буғдойнинг амал даври бошида кўчат қалинлигини аниқлаш бўйича

кузатувлар майсалар тўла ҳосил бўлганда навлар бўйича тажрибанинг барча такрорланишларида (1 м² қозиқлар билан ажратилган 3 та нуктада) ўтказилди. Униб чиққан ниҳоллар сони бўйича навлар орасида дала ва лаборатория унувчанлигини ҳисобга олиб, уруғ меъёрларини белгиланиши натижасида катта фарқ кузатилмади. Амал даври бошида 2017-2018 йилларда олиб борилган кузатиш натижаларига қараганда, униб чиққан ниҳоллар сони кузги буғдойнинг Таня, Вершина, Калым ва Андижон-4 навлари бўйича тегишлича (2017 йил кузда) 385,2, 379,4, 376,7 396,9 м²/донани, қишдан чиққан ниҳоллар сони (2018 йил баҳорда) навлар бўйича тегишлича 358,0, 352,9, 350,5, 370,6 м²/донани, нобуд бўлган ўсимликлар навлар бўйича тегишлича 27,2, 26,5, 26,1, 26,3 м²/донани ташкил қилганлиги кузатилди. (5.1-расм).



5.1-расм. Кузги буғдой навларининг униб чиқиш даражаси. 2017-2018 йй

Тадқиқотлар олиб борилган кейинги йилларда ҳам униб чиққан ниҳоллар сони навлар бўйича кузатув натижалари дастлабки натижаларга яқин кўрсаткичлар олинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кузги буғдойни амал даври бошида олиб борилган (униб чиққан ниҳоллар сони, қишдан чиққан ниҳоллар сони, нобуд бўлган ниҳоллар сони) кузатувларда суғориш тартиблари қўлланилмаганлиги сабабли таъсири сезилмади.

§.5.2.Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши ва ривожланиши.


Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолада поя баландлиги 5.3-расмда, умумий ва маҳсулдор поялар сони 5.4-расмда келтирилган.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, тадқиқот ўтказилган йилларда тупроқнинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80 фоиз даражасида бўлган учинчи вариантда кузги буғдойнинг ўрганилган навларининг поя баландлиги ва умумий поялар шаклланиши юқори бўлганлиги кузатилди.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70 фоиз белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг Тая, Вершина, Калым ва Андижон-4 навларининг поя баландлиги пишиш даврида тегишлича 83,5, 84,6, 84,9, 83,1 см ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз белгиланган вариантларда тегишлича 86,5, 87,6, 87,9, 86,1 см ни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз белгиланган вариантларда тегишлича 89,8, 90,9, 91,2, 89,4 см ни ташкил қилди (5.2-расм).


Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-70 фоиз белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг Тая навида умумий поялар 570,5 м²/дона, маҳсулдор поялар 475,4 м²/донани, Вершина навида умумий поялар 577,7 м²/дона, маҳсулдор поялар 481,4 м²/донани, Калым навида умумий поялар 578,9 м²/дона, маҳсулдор поялар 482,4 м²/донани ва Андижон-4 навида умумий поялар 574,1 м²/дона, маҳсулдор поялар 478,4 м²/донани ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг Тая навида умумий поялар 694,9 м²/дона, маҳсулдор поялар 490,4 м²/донани, Вершина навида умумий поялар 697,8 м²/дона, маҳсулдор поялар 498,4 м²/донани, Калым навида умумий поялар 696,4 м²/дона, маҳсулдор поялар 497,4 м²/донани ва Андижон-4 навида умумий поялар 686,6 м²/дона, маҳсулдор поялар 490,4 м²/донани ташкил қилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС

га нисбатан 80-80-80 фоиз белгиланган вариантларда кузги буғдойнинг Тая навида умумий поялар 770,3 м²/дона, маҳсулдор поялар 481,5 м²/донани, Вершина навида умумий поялар 776,7 м²/дона, маҳсулдор поялар 485,5 м²/донани, Қалым навида умумий поялар 773,6 м²/дона, маҳсулдор поялар 483,5 м²/донани ва Андижон-4 навида умумий поялар 770,3 м²/дона, маҳсулдор поялар 481,5 м²/донани ташкил қилди. (5.3-расм).



5.2-расм. Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда поя баландлиги, см. 2018 йил.

2017-2019 йиллар давомида олиб борилган кузатиш натижаларининг кўрсатишича, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80 фоиз даражасида бўлиши кузги буғдойни барча ўрганилган навларини ўсиши ва ривожланишига мақбул таъсир кўрсатди, бироқ, кузги буғдойнинг поя баландлиги ва умумий поялар сонининг кўплиги олинadиган ҳосил миқдори ва сифатини белгиламаслиги, балки унинг қуруқ массасининг ортишига олиб келиши ўз исботини топди.



5.3-расм. Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда умумий ва маҳсулдор поялар сони 2018 йил (м²/дона).

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, кузги буғдой навларининг мақбул ўсиши-ривожланиши ва юқори ҳамда сифатли дон ҳосили тўплаши учун суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз бўлиши керак.

§.5.3. Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолдаги кузги буғдой навларининг ҳосил структурасини ўзгариши.


Кузги буғдой навларининг суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиб, ривожланиши устида олиб борилган кузатиш натижалари 5.3-жадвалда йиллар бўйича ўртача олинган натижалар келтирилган.

